БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 244 (1506)
12 ДЕКАБРЬ ШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Н. С. Хрушчевнинг Абдил Карим Қосимга мактуби

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини байрам қилиш кунларида Ироқ ҳукумат делегацияси томонидан топширилган мактубга жавобан, Ироқ Республикаси бош министри Абдил Карим Қосимга мактуб юборди.

Н. С. Хрушчев ёзадики, Совет Иттифоқи халқлари Араб мамлакатлари халқларининг самимий дўстларидирлар ва уларга мустақиллик ҳамда озодлик шароитида бахт-саодат ва равнақ тилайдилар. Совет Иттифоқи халқлари тинчлик учун курашчиларнинг биринчи сафларида турган ҳамда мустамлакачиларнинг ва реакция кучларининг кирдикорларига қарши ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги йўлида фидокорона кураш олиб бораётган Ироқ халқига қизғин хайрихоҳлик туйғуларини изҳор қилиб келмоқдалар.

Н. С. Хрушчевнинг мактубида айтиладики, Ироқ Республикаси амалга ошириб келаётган бетарафлик ва ҳарбий блокларга қатнашмаслик сиёсатини совет қишилари тўла равишда қўллаб-қувватламоқдалар. Совет Иттифоқи, дейилади мактубда, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирини ҳурмат қилиш ва бир-бирининг ишларига аралашмаслик принципларига қатъий амал қилгани ҳолда, тинчликсевар Ироқ Республикасини мустаҳкамлашга бегараз ва дўстона ёрдам бериб келди ва бундан буён ҳам ёрдам беради.

Совет ҳукумати бошлиги яқинда Абдил Карим Қосимнинг ҳаётига суиқасд қилинганлиги Ироқ халқининг ҳамма дўстларини ғоят ғазаблантирганлигини таъкидлаб, Ироқ бош министрига унинг муваффақиятли соғайиб бораётганлиги муносабати билан совет халқи, СССР ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан табриклар ва энг яхши тилаклар йўллайди. (ТАСС).

Суратда: Ўзбекистон Интеллигенцияси II съездининг президиумида. А. Палехов фотоси.

Ўзбекистон интеллигенциясининг иккинчи съезди

Коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврида ўз олдида турган энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун Ўзбекистон зиёлиларининг энг яхши вакиллари 11 декабрда, Тошкентда, Навоий номли опера ва балет театрида ўзларининг иккинчи съездига тўпландилар.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Ф. Е. Титов** республика зиёлиларининг иккинчи съездини очиқ деб эълон қилади. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг тантанали садолари янграйди.

Съезд президиуми сайланади. Президиум составида М. А. Абдўразоқов, О. А. Алимов, А. П. Бизов, Г. А. Габриельянц, Р. Ғ. Ғуломов, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, М. В. Муҳаммаджонов, А. Н. Рудин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. А. Кириллин, СССР Маданият министрининг ўринбосари Н. Н. Данилов, республика Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев, Ўзбекистон ССР министрлари Э. Э. Эгамбердиев, Э. Қ. Қодиров, С. М. Муҳамедов, Қирғизистон ССР маданият министри К. Конлучалова, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудирлари М. Н. Набиев, Ғ. Н. Нажимов, Ғ. С. Султонов, Қирғизистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудири А. Токомбоев, область партия комитетларининг секретарлари А. Жўраев, В. И. Қодиров, Н. Х. Қаландаров, А. М. Бўчқоров, Х. Р. Мусаҳонова, Т. Рўзибоев, Д. Сеитниёзов, С. Тошпемиров, Г. Г. Юсупов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Ҳўжаев, Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ДҲСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ибоҳимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти К. Зокиров, «Правда Востока» газетасининг редактори С. С. Черник, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин, республика Журналистлар союзи правлениесининг раиси И. А. Раҳимов, «Ўзбекистон Сурхи» газетасининг редактори А. Ҳакимов, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори В. Зоҳидов, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси М. Н. Бурҳонов, республика Рассомлар союзи правлениесининг раиси И. Икромов, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси М. С. Булатов, Ўзбекистон Кинематография ходимлари союзи Тошкилот бюросининг раиси Л. Файзиев, Ўзбекистон театр жамиятининг раиси, СССР халқ артисти О. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги илмий-техника комитетининг раиси М. Т. Ўразбоев, республика Министрлар Совети ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари комитетининг раиси Т. А. Саримсоқов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радио эшиттириш ва телевидение комитетининг раиси У. Е. Ибоҳимов, Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Республика жамияти правлениесининг раиси И. М. Мўминов, Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳ[illegible] Ғ. Ғоҳункулов, пахта териш машиналарининг конструктори А. Н. Приходько, пахта териш машиналарининг донг чиқарган механик-ҳайдовчилари М. Умурзоқов ва Т. Охунова, тепловоз машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Немудров ва бошқалар бор.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Марказий Комитети Президиуми ғоят баланд руҳ билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Съезднинг мандат ва редакцион комиссиялари ҳамда секретариати бир овоздан сайланади. Съезднинг кун тартиби ва иш регламенти тасдиқланади.

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда Ўзбекистон интеллигенциясининг вазифалари тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидовга** сўз берилади.

Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съездидан буён, дейди докладчи, уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу йиллар қудратли Ватанимизни янада мавж уриб юксалтириш даври бўлди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини кўтаришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети кейинги йилларда халқ хўжалигига раҳбарликни тўғри ва яхшилаш, мамлакат экономикаси ва маданиятни янада ривожлантиришга қаратилган ҳақиқатан ҳам бир қатор революцион тадбирларни амалга оширди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди ўтган даврдаги энг буюк воқеа бўлди. Бу съезд мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига — коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйганлигини эълон қилди. Съезд марксизм-ленинизм идеяларининг буюк ижодий кучини, бу идеяларнинг коммунизмнинг нуроний биносини барпо қилаётган халқ оммаси практикаси билан амалий, чамбарчас алоқа боғлаганлигини яна бир марта кўрсатди. Етти йилликда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани бутун мамлакатимиз олдида, ҳар бир иттифоқчи республика олдида экономика ва маданиятни мисли кўрилмаган даражада янада юксалтиришнинг, порлоқ истиқболларини очиб беради. Етти йилликнинг биринчи йили тамом бўлай деб қолган ҳозирги пайтда совет кишилари партия XXI съезди белгилаб берган буюк ишларнинг улкан программасини муваффақиятли суратда амалга ошира бошладик, деб зўр мамнуният ва фахр билан айта оладилар.

Докладчи 1959 йилда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг дастлабки якунлари тўғрисида гапириб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун совет халқи олиб бораётган курашда муносиб ҳисса қўшаётганликларини таъкидлайди. Ўзбекистон саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планини муддатидан илгари, 17 ноябрда бажарди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани анча ошириб бажарилажаги энди ҳаммага аён бўлиб қолди. Республиканинг қишлоқ хўжалиги шаҳдам қадамлар билан юксалмоқда. Донгдор пахтакорларимизнинг меҳнат соҳасидаги шонли ғалабаси ўзбек халқи ҳаётида ҳақиқатан ҳам тарихий воқеадир. Пахтакорлар ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар ва давлатга 3 миллион 140 минг тонна пахта, шу жумладан пландан ташқари 170 минг тонна ва бугун ўтган йилдагидан 194 минг тонна кўпроқ пахта топширдилар.

Ўзбек халқи, республиканинг барча меҳнаткашлари саноатни, қишлоқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга қатъий бел боғлаб, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини кутиб олмоқдалар. Бу пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи тингланади.

Докладчи шу етти йиллик — барча совет республикаларининг экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш даври эканлигини таъкидлайди. Ана шу даврнинг ичида Совет Ўзбекистони саноати ишлабчиқарадиган ялпи маҳсулот 80 процент ортади. Етти йиллик планга мувофиқ, республикада етиштириладиган пахта миқдори 3.600—3.800 минг тоннага етказилиши керак. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ана шу даражага бир йил илгари эришиш, 1965 йилда эса 4 миллион тонна пахта етиштириш учун кураш олиб бориш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачилик соҳасида етти йилдаги қурашаётганлиги ҳақида гапириб берди. Бу Пленум кейинги беш йилда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш якунларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифаларини муҳокама қилган эди.

Мен, дейди ўртоқ Старовина, ана шу Пленумда сўзга чиқиб, колхозимиз аъзоларининг Чувашистондаги ўртоқ Коротков раислик қилувчи Ленин номли колхоз билан мусобақалашишни истаётганликларини айтган эдим. Сиз, азиз Никита Сергеевич, бизнинг чақиригимизни маъқуладингиз. Бу эса колхозчиларимизни меҳнатда янги зафарларга илҳомлантирди. Никита Сергеевич, биз яхши ишлаганимизни Сизга маълум қилиш билан ҳурсандмиз. Бу йил колхозимиз гектарига 30,5 центнердан дон экинлари етиштирди, гектарига 800 центнердан маккажўхори пояси йиғиб олди. Бизда яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига 52 бош қора молшу жумладан 21 бош сигир, шунингдек 90 бош чўчқа бор. Биз 11 ой ичида ҳар юз гектарга ҳисобланганда 100,8 центнердан гўшт ва 420 центнердан сут етиштирдик.

— Бу жуда яхши, — дейди Никита Сергеевич. Ўртоқ Старовина суҳбатда қатнашаётган тракторчи Павел Фурда донгдор механизатор Александр Гиталовдан ўрнак олиб, Павел Шевчук билан ҳамкорликда бу йил 200 гектар ерлаги маккажўхорини парвариш қилганлигини ва гектар бошига 1.100 центнердан кўк поя олганлигини айтди.

Маккажўхори бизга иш бераётир, дейди колхоз раиси. Кузги вика ҳам яхши ҳосил бермоқда.

Н. С. Хрушчев колхозчиларга келгусида қимматли озуқа экинларини янада кўпайтириш, шу билан бирга уларни етиштириш учун камроқ меҳнат сарфланишига эришиш зарур, деб маслаҳат беради.

Н. Ф. Старовина колхоз илғорлари, уларнинг иш методлари ҳақида гапириб, эндиликда кўп кишиларнинг иши юришиб кетганлигини айтади.

— Сизлардагина эмас, — дейди Шевченко номли қўшни колхознинг чўчқабоқари Я. С. Чиж. У собиқ шахтер бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилги сентябрь Пленумидан кейин колхозга ишга келган.

Донгдор чўчқабоқар ўзининг чўчқаларни группа усулида, боқиш ва семиртириш тажрибаси ҳақида Н. С. Хрушчевга сўзлаб беради. Я. С. Чиж ёлғиз ўзи юзлаб чўчқани боқмоқда. Бу йил у 502 центнер чўчқа гўшти етиштирган, келгуси йилда эса бу миқдорни икки баравар кўпайтирмоқчи. У чўчқа боқишда хом картошкани ва бошқа илдиз мевали экинларни концентратли қунжарани кенг қўлланмоқда. Чўчқа гўштининг ҳар центнери 224 сўмга тушади, уни етиштириш учун эса бори-йўғи 10 соат сарф қилинади.

Н. С. Хрушчев колхоз чўчқабоқарининг сўзини эътибор билан тинглаб, унинг қимматли иш тажрибасини «Правда» газетасида кенг ёритиш, бутун мамлакатга маълум қилиш керак, чунки колхоз маҳсулотининг таннархини камайтириш — жуда муҳим масала, деб таъкидлайди.

Украина Коммунистик партияси ва ҳукуматининг, Львов области ва Золочев районининг раҳбарлари иштирок этган шу суҳбат давомида Н. С. Хрушчев колхозчиларга кўпгина қимматли маслаҳатлар берди, хўжаликни қандай қилиб яхшироқ бошқариш кераклигини айтди, илғор, прогрессив ташаббусларнинг ҳаммасини ёйиш, колхоз ишлаб чиқариши экономикасини янада мустаҳкамлашнинг янги йўлларини қидириш зарурлигини таъкидлади.

Никита Сергеевич қишлоқ меҳнаткашлари билан самимий хайрлашади. У бундай дейди:

— Капиталист жаноблар сизларни асорат остида яшамоқдасиз, деб даъво қилмоқдалар. Бундай «асоратда» яшаш мумкинми?

— Мумкин! — деб жавоб қайтарадилар бир овоздан колхозчилар.

Н. С. Хрушчевнинг Сталин номли колхозда бўлиши қишлоқ меҳнаткашларини ғоят қувонтирди, меҳнат ғайратини янада оширди. Уларнинг ҳаммаси Никита Сергеевичга етти йилликни уч йилда бажариш учун бутун кучларини сарф қилишга ваъда бердилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Украинанинг ғарбий областларида

Колхозчилар орасида

ЛЬВОВ, 10 декабрь. (ТАСС). Ўртоқ Н. С. Хрушчев бугун Н. В. Подгорний, Д. С. Коротченко, Н. Т. Кальченко ўртоқлар ва область ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга Львов областининг Золочев районидаги Сталин номли колхозда бўлди.

Золочев станциясида корхона ва қурилишларнинг меҳнаткашлари, яқин атрофдаги қишлоқларнинг колхозчилари махсус поездда бу ерга келган азиз меҳмонни қизғин табрикладилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев, Украина Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари тушган машиналар Сталин номли колхозга томон йўл оладилар. Уларни колхоз меҳнаткашлари самимият билан кутиб оладилар. Колхоз раиси Николай Федорович Старовина Никита Сергеевичга нон-туз тақдим этади, жонажон Ватанимизнинг бахт-саодат йўлида сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайди. Н. С. Хрушчев самимий табрик сўзлари учун ташаккур изҳор қилади, колхоз раҳбарлари ва илғорлари билан қўл бериб кўришади.

Сўнгра Н. Ф. Старовина азиз меҳмонларни колхоз правлениеси биносига таклиф қилади. Бу ерда колхоз ишлари ҳақида Н. С. Хрушчев билан қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида самимий суҳбат бошланиб кетади.

Ўртоқ Н. Ф. Старовина колхоз меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети 1958 йил декабрь Пленуми қарорларини бажариш учун қандай қўлланилаётганлиги ҳақида гапириб берди. Бу Пленум кейинги беш йилда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш якунларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифаларини муҳокама қилган эди.

Мен, дейди ўртоқ Старовина, ана шу Пленумда сўзга чиқиб, колхозимиз аъзоларининг Чувашистондаги ўртоқ Коротков раислик қилувчи Ленин номли колхоз билан мусобақалашишни истаётганликларини айтган эдим. Сиз, азиз Никита Сергеевич, бизнинг чақиригимизни маъқуладингиз. Бу эса колхозчиларимизни меҳнатда янги зафарларга илҳомлантирди. Никита Сергеевич, биз яхши ишлаганимизни Сизга маълум қилиш билан ҳурсандмиз. Бу йил колхозимиз гектарига 30,5 центнердан дон экинлари етиштирди, гектарига 800 центнердан маккажўхори пояси йиғиб олди. Бизда яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига 52 бош қора молшу жумладан 21 бош сигир, шунингдек 90 бош чўчқа бор. Биз 11 ой ичида ҳар юз гектарга ҳисобланганда 100,8 центнердан гўшт ва 420 центнердан сут етиштирдик.

— Бу жуда яхши, — дейди Никита Сергеевич. Ўртоқ Старовина суҳбатда қатнашаётган тракторчи Павел Фурда донгдор механизатор Александр Гиталовдан ўрнак олиб, Павел Шевчук билан ҳамкорликда бу йил 200 гектар ерлаги маккажўхорини парвариш қилганлигини ва гектар бошига 1.100 центнердан кўк поя олганлигини айтди.

Маккажўхори бизга иш бераётир, дейди колхоз раиси. Кузги вика ҳам яхши ҳосил бермоқда.

Н. С. Хрушчев колхозчиларга келгусида қимматли озуқа экинларини янада кўпайтириш, шу билан бирга уларни етиштириш учун камроқ меҳнат сарфланишига эришиш зарур, деб маслаҳат беради.

Н. Ф. Старовина колхоз илғорлари ва ишлаб чиқаришнинг ҳаммаси ҳақида сўзлаб берди. Бу Пленумнинг ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини, ҳаётимизнинг ҳамма томонларини ўз ичига олган ҳаётий ва ҳаракатчан ҳужжат эканлигини, Пленум қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳаммамиз ишлашимиз лозимлигини, ҳаммамиз ишлашимиз лозимлигини, ҳаммамиз ишлашимиз лозимлигини таъкидлаб, Пленумнинг ишини ёпиқ деб эълон қилдим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Марказий Комитети Президиуми ғоят баланд руҳ билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Съезднинг мандат ва редакцион комиссиялари ҳамда секретариати бир овоздан сайланади. Съезднинг кун тартиби ва иш регламенти тасдиқланади.

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда Ўзбекистон интеллигенциясининг вазифалари тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидовга** сўз берилади.

Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съездидан буён, дейди докладчи, уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу йиллар қудратли Ватанимизни янада мавж уриб юксалтириш даври бўлди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини кўтаришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети кейинги йилларда халқ хўжалигига раҳбарликни тўғри ва яхшилаш, мамлакат экономикаси ва маданиятни янада ривожлантиришга қаратилган ҳақиқатан ҳам бир қатор революцион тадбирларни амалга оширди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди ўтган даврдаги энг буюк воқеа бўлди. Бу съезд мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига — коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйганлигини эълон қилди. Съезд марксизм-ленинизм идеяларининг буюк ижодий кучини, бу идеяларнинг коммунизмнинг нуроний биносини барпо қилаётган халқ оммаси практикаси билан амалий, чамбарчас алоқа боғлаганлигини яна бир марта кўрсатди. Етти йилликда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш плани бутун мамлакатимиз олдида, ҳар бир иттифоқчи республика олдида экономика ва маданиятни мисли кўрилмаган даражада янада юксалтиришнинг, порлоқ истиқболларини очиб беради. Етти йилликнинг биринчи йили тамом бўлай деб қолган ҳозирги пайтда совет кишилари партия XXI съезди белгилаб берган буюк ишларнинг улкан программасини муваффақиятли суратда амалга ошира бошладик, деб зўр мамнуният ва фахр билан айта оладилар.

Докладчи 1959 йилда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг дастлабки якунлари тўғрисида гапириб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун совет халқи олиб бораётган курашда муносиб ҳисса қўшаётганликларини таъкидлайди. Ўзбекистон саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планини муддатидан илгари, 17 ноябрда бажарди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани анча ошириб бажарилажаги энди ҳаммага аён бўлиб қолди. Республиканинг

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Тернополда самимий учрашувлар

ТЕРНОПОЛЬ, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун Тернополь меҳнаткашлари Никита Сергеевич Хрушчевни ўзларида кутиб олдилар.

Байрамдагидек безатилган вокзал олдида шаҳар ва областнинг минглаб аҳолиси тўпланган. Кутиб олувчилар орасида Тернополь область партия комитетининг биринчи секретари Г. И. Шевчук, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси В. В. Лисенко ва бошқа расмий кишилар бор. Тўпланганлар Н. С. Хрушчевни овоция билан кутиб олдилар.

Тернополь областининг донгдор кишилари — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. Долинюк, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари А. Г. Еременко ва В. И. Стецко область меҳнаткашлари номидан Никита Сергеевични самимий табриклайдилар.

— Қадрдон Никита Сергеевич! — дейди Е. А. Долинюк. — Бизнинг еримизда Тернополь области меҳнаткашларидан нон-туз қабул қилгайсиз. Сизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз!

Никита Сергеевич олдига пионерлар югуриб келиб, унга гўллар тақдим этадилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ва у билан бирга бу ерга келган Н. В. Подгорний, Д. С. Коротченко, Н. Т. Кальченко ўртоқлар вокзалдан шаҳарга томон йўл оладилар. Шаҳар кўчалари одамлар билан тўлган. Ҳар томондан Коммунистик партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитети шарафига табрик хитоблари эшитилади.

Область партия комитетида Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик илғорлари ва областнинг раҳбарлари билан учрашди.

Г. И. Шевчук Никита Сергеевич Хрушчевга область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан етти йилликнинг биринчи йилида олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликларини айтди. 11 ой ичида область колхозларида гўшт етиштириш етти баравар, сут етиштириш эса 10 баравар кўпайганлигини айтди.

Область партия комитетининг секретари бу йил бир центнер маккажўхорининг таннархи бир центнер бошоқли экинларнинг таннархига нисбатан уч баравар арзон тушганлигини айтганида, Н. С. Хрушчев таннархини камайтириш масаласи қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу масала партия ташкилотларининг ҳамма диққат марказида туриши лозим. Никита Сергеевич Ўртоқ Шевчукка КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига область колхозларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш таннархини камайтириш ҳақидаги ҳисобларини тайёрлашни тавсия қилди.

— Масалан, сизда бир киши неча сигирга қарайди? — деб сўради Н. С. Хрушчев.

— Ўн икки-ўн тўрт сигирга қарайди, — деб жавоб беради ўртоқ Шевчук.

— Биз бу ерга келиш олдидан Львов областида бўлган эдик. У ерда Ярослав Чиж 500 чўчқани боқади. Шу сабабли у етиштирган гўштнинг ҳар центнери ҳам 224 сўмга тушмоқда, — дейди Н. С. Хрушчев ва бу ишда ўртоқ Чиждан намуна олишни тавсия қилади.

Донгдор звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Григорьевна Еременко суҳбатга қўшилади. У, бу йил ҳар гектардан 216 центнердан маккажўхори дони йиғиб олганлигини ва меҳнат сарфлаш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларидаги машҳур маккажўхорикор Гарстдан ўзиб кетганлигини айтади. Ўртоқ Еременко бир центнер маккажўхори етиштириш учун 23 минут, Гарст эса 24 минут сарфлайди.

Шу пайт Залешчицк районидаги «Москванинг 800 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи Петр Константинович Мотрук бир неча маккажўхори сўтасини қўлига ушлаган ҳолда Н. С. Хрушчевнинг олдига келади. У сўталарни стол устига қўйиб, бу йил гектарига 221 центнердан маккажўхори сўтаси йиғиб олганлигини айтди.

— Сиз қанча ҳосил олдингиз? — деб сўрайди Н. С. Хрушчев Евгения Алексеевна Долинюкдан.

— Икки юз йигирма уч центнердан дон олдим, — деб жавоб беради у. — Лекин мен областимизнинг маккажўхори етиштириш жиҳатидан илгор бўлиб қолганига, бу экин маъқул тушиб, ҳамма жойда етиштирила бошлаганига ҳамма нарсадан кўпроқ қувонаман.

Н. С. Хрушчев областнинг раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик илғорлари билан суҳбат вақтда органик ўғит тўплаш учун қурашни авж олдириб юборишни, чорвачилик эҳтиёжлари учун қанд лавлагини кенг жорий қилишни, Тернополь области шароитида мўл ҳосил берадиган нўхот ва бошқа дуккакли экинларни кўпроқ экишни тавсия қилди.

Сўнгра Н. С. Хрушчев шаҳар бўйлаб сайр қилди, янги қурилишлар билан танишди.

Кечқурун Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари махсус поездда Тернополдан жўнаб кетдилар.

* * *

КИЕВ, 11 декабрь. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикасига қилган сафаридан қайтиб келаётган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев бугун Киевга келди.

Почта ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши

Почта-ходимларининг Москвада икки кун давом этган Бутуниттифоқ кенгаши 10 декабрда ўз ишини тамомлади.

Кенгаш мамлакатдаги почта корхоналарини механизациялаш ва автоматлаш масалаларини муҳокама қилди.

Москва почтамти электромеханика хизматининг бошлиғи С. Мосин корхонани механизациялаш ва автоматлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳақида сўзлаб берди. Ҳозирги вақтда бу ерда бир неча автомат, посидкаларни алоқа бўлимларига ажратиб берадиган махсус транспортер ишлаб турибди.

Киев почтамтининг инженери А. Белоруссец бу корхонанинг иш тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Бу корхонада хатларни саралайдиган махсус машина ўрнатилган. Машина бир соат ичида 30 минга яқин хатларни адреслар бўйича саралаб беради. Аҳолига яхшироқ хизмат кўрсатиш учун газета, конверт почта маркалари, открткалар сотилган автоматлар ўрнатилган.

Кенгаш ишида СССР Алоқа министри Н. Д. Псурцев қатнашди.

Ўзбекистон интеллигенциясининг иккинчи съезди

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

сингари фактлар буни яққол кўрсатиб туради. Моҳир конструкторларимиздан Приходько, Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар «Ташсельмаш» заводи коллективи билан ҳамкорликда ХВС — 1, 2 маркали янги пахта териш машинасини яратдилар. Бу машина механизаторлар ва барча пахтакорлар томонидан юксак баҳо олди. Уяга мўлжалланган миқдорда чигитни ташлаб борадиган квадратуллаб экиш сеялкаси ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарилди. Республикада ишлаб чиқариш новаторлари, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. 1958 йилда 14 мингта рационализаторлик таклифи топширилган бўлса, шу йилнинг фақат 9 ойи ичида 20 мингдан ортиқ рационализаторлик таклифи топширилди, булардан ҳозирдаёқ 60 процентдан ортиқ қисми жорий этилди, бунинг натижасида халқ хўжалигида йилига 90 миллион сўмга яқин маблағ тежалмоқда.

Фанни тараққий эттириш, техника билан қайта қуроллантириш ва ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш соҳасида эришган муваффақиятларимизга муносиб баҳо берганимиз ҳолда, деб кўрсатади докладчи, бу соҳадаги ишларимиз партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми томонидан қўйилган катта вазифалардан ҳали жиддий суратда кейинда қолаётганлигини аниқ-равшан билиб олмогимиз керак.

Маълумки, пахта етиштириш — умумиттифоқ миқёсидаги меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг асосий вазифаси бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу эса қишлоқ хўжалиги ходимларидангина эмас, балки республика халқ хўжалигининг бошқа ҳамма соҳаларидаги ходимлардан, аввало машинасозлар, конструкторлар, кимёгарлар, қурувчилар, олимлардан ҳам кўп иш қилишни талаб этади. Улар пахтачиликни янада юксалтиришга кўп ёрдам беришлари лозим.

Қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачиликни комплекс механизациялашни тезроқ таъминлаш учун колхоз ва совхозларни техникадан хабардор кадрлар билан мустаҳкамлаш лозим. Киевликларнинг ташаббуси билан республика саноатининг инженер-техник ходимлари ўртасида кучайиб кетган ватанпарварлик ҳаракати жуда катта аҳамиятга эгадир. Тошкент, Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ ва бошқа шаҳарлардаги инженерлар ва техниклардан 50 га яқин киши доимий ишлаш учун колхозларга боришни истаганлигини билдирди.

Марксизм-ленинизм асосчилари коммунизмга ўтиш фақат иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтиришнигина талаб қилиб қолмасдан, шу билан бирга одамларни юксак маданият руҳида тарбиялашни ҳам талаб қилади, деб ҳамиша кўрсатиб ўтган эдилар. Совет кишисини коммунизм идеаллари руҳида тарбиялаш ишида мактаб алоҳида ўрин тутади. Докладчи ёркин рақамлар келтиради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 6.250 та мактаб бўлиб, уларда 1.400 минг бола ўқимоқда, 41 та интернат-мактаб ташкил этилиб, уларда 9.640 бола тарбияланмоқда, республикада таълимнинг турли хилларига 2 миллионга яқин киши жалб қилинган. Бошқача қилиб айтганда, республикамизда ҳар тўрт кишидан бир киши ўқимоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати жамоатчиликнинг ҳамма мактабларни бир сменали машғулотга ўтказиш ҳаракатини қизғин маъқулладилар. Бу йилги ўқув йилининг бошида 500 дан кўпроқ қишлоқ хўжалик артеллари колхоз правлениеларининг биноларини мактабларга топширидилар. Ўзбекистонда маъмурий биноларни мактаблар учун бўшатиб бериш йўли билан ҳаммаси бўлиб қўшимча равишда уч ярим минг синф хонаси мактабларга қўшилди, бу синфларда 80 минг ўқувчи ўқийдиган бўлди, 150 дан ортиқ бино мактаб устахоналари учун ажратиб берилди, 200 га яқин бино мактаб кабинетлари очиш учун ва 250 га яқин бино мактаб кутубхоналари учун ажратиб берилди. Шу билан бирга, колхозлар ўз маблағлари ва ўз кучлари билан мактаблар учун 4 мингтага яқин янги синф хоналари қуриб бердилар. Биз бу йилги ўқув йилининг ўзидаёқ ҳамма мактабларни бир сменали машғулотга ўтказиш учун бу соҳада бундан буён ҳам зўр бериб иш олиб боришимиз лозим.

Докладчи мактабларда таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш вазифалари тўғрисида гапириб, бу вазифаларни амалга оширишда совет интеллигенциясининг энг катта отряди ҳисобланган ўқитувчиларнинг ҳал қилувчи роль ўйнашларини таъкидлайди. Ўзбекистон мактабларида 75 мингдан кўпроқ ўқитувчи ишламоқда. Самарали ишлашлари учун ўқитувчиларга ҳамма зарур шароитни яратиб бериш керак. Шу билан бир вақтда халқ маорифи ходимларининг ўзлари мактабни қайта қуриш, уни турмушга яқинлаштириш, болаларга таълим ва тарбия бериш ишларини тубдан яхшилашга тагин ҳам активроқ киришишлари лозим.

Республикада 31 та олий ўқув юрти бўлиб, уларда 115 ихтисос бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Олий ўқув юртларида 90 мингга яқин йигит ва қиз ўқимоқда. Ишлаб чиқаришда ишлаб турган ёшларни олий ўқув юртларига қабул қилишни кўпайтириш натижасида студентларнинг сифат состави кейинги йилларда яхшиланди. Ҳозирги вақтда ҳамма студентларнинг қарийб ярми қисми ишлаб чиқаришдан келган ёшлардан иборат бўлиб қолди. Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакаси ҳам анча ошди. Ҳозир олий ўқув юртларининг ўқитувчилари орасида 160 фан доктори ва 1860 фан кандидатлари бор. Ўқишни ишлаб чиқариш билан боғлашни мустаҳкамлаш соҳасида биринчи қадамлар қўйилди. Бироқ, олий ўқув юртларининг фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар бор. Республика олий ўқув юртлари бир қанча муҳим иқтисослар бўйича кадрлар тайёрлаш зарурлигини ҳисобга олмаётирлар, ваҳоланки бундай иқтисослар бўйича кадрлар тайёрлаш халқ хўжалиги учун жуда зарурдир. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун махсус курслар, факультетлар ва ҳатто институтлар ташкил этишни ўйлаб кўриш керак.

Профессионал-техника таълими ишини яхшилаш зарур. Етти йил ичида бизнинг профтехника мактабларимиз 106 минг малакали ишчилар тайёрлаб берishи лозим. Улар ишчилар синфининг янги кадрлари бўлиш билан бирга, техника интеллигентлари кадрларини вужудга келтирувчи катта резерв ҳам бўлади.

Маданий-оқартув муассасалари олдида катта ва фаҳрли вазифалар турибди. Ўзбекистонда 2.900 тага яқин оммавий кутубхона бор. Бу кутубхоналардаги китобларнинг сони қарийб 16 миллион нусхага етади. Республикада 1.770 клуб ва маданият уйлари, 15 та музей, 28 та маданият ва истироҳат парклари бор. Улар жуда қизиқарли ва самарали иш олиб бормоқдалар. Республикадаги саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар ва ўқув юртларида 3.900 дан кўпроқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари бўлиб, уларда 160 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда. КПСС XXI съездидан кейин мамлакатнинг бошқа республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам меҳнаткашларнинг, айниқса ёшларнинг маданий савиясини оширишнинг ва уларга эстетик тарбия беришнинг янги формалари — маданият университетлари ва халқ театрлари пайдо бўлди.

Бироқ, маданий-оқартув муассасаларининг ишларида ҳали жиддий камчиликлар бор. Бунинг сабаби шуки, маданий-оқартув ходимлари кадрларни танлаш ва тайёрлашга қониқарсиз эътибор берилмоқда. Бизнинг интеллигентларимиз клублар, маданият саройлари ва кутубхоналар ўтказаётган ишларда ҳали тузук қатнашмаётирлар.

Шу йилнинг бошида Москвада ўтказилган Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадасида адибларимиз, рассомларимиз, музикантларимиз, композиторларимиз, театр ва концерт коллективларимиз, халқ санъати усталарининг ишига юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон рассомларининг IV съезди таъсирий санъат арбобларининг ижтимоий активлиги ва етуклиги ўсганлигини кўрсатди. Лекин, рассомларимиздан баъзилари халқ турмуш ва меҳнати билан ҳали ҳам тузук боғланган эмаслар, ўзларининг профессионал маҳоратларини ошириш устида етарлик даражада ишламаётирлар.

Кейинги йилларда театр коллективларининг маҳорати анча ошди, уларнинг репертуарлари хилма-хил бўлиб қолди, репертуарларда ҳозирги замон темаларидаги асарлар кўпайди.

Республика кинематография ходимлари кейинги вақтларда бир қанча муваффақиятли бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратдилар. «Ленин йўлланмаси билан», «Ибн Сино», «Гуллар очилганда», «Ўзбекистонимизга келинг», «Инсониятнинг беш қўли» фильмлари ва бошқа фильмлар ана шундай фильмлардандир. Шуни ҳам қайд қилиб ўтмоқ керакки, дейди докладчи, Тошкент киностудияси яратган кўпгина фильмларнинг сифати тамошабинларнинг талабини қондирмайди.

Республикада музика санъати сезиларлик равишда ўсди. Опералар, балетлар ва бошқа бир қанча симфоник асарлар ҳамда оркестр билан ижро этиш учун ашулалар сингари йирик асарлар яратилганлиги буни кўрсатиб туради. Лекин, шуни унутмаслик керакки ҳозирги замон темасида йирик опера ва балет асарлари ҳозирча кам яратилди. Бизга кенг халққа яхши манзур бўладиган, фақат ўзбек халқигина эмас, шу билан бирга мамлакатимиздаги ҳамма халқлар ҳам завқланиб тингалайдиган оммавий қўшиқлар керак. Асрлардан бери яратилиб келаётган ва халқ муттасил такомиллаштираётган ажойиб халқ куйларига меҳр-муҳаббат билан қарашимиз лозим.

Ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги муваффақиятлар шубҳасиздир. Лекин, деб кўрсатади докладчи, ҳозирги замон темасида ёзилган асарларимиз ҳали кам. Асосий ғоявий мазмунни етарлик равишда пухта ўйламаслик, асардаги қаҳрамонларни, айниқса ижобий қаҳрамонларни ёркин қилиб тасвирламаслик, схема ва штампага кўпроқ ўрин бериш, композициянинг бўшлиги, сўзни кўпайтириб асарни суюлтириб юбориш, асар тилининг гўрлиги ва сийқалиги, афсуски, айрим ёзувчиларнинг ижодлари учун характерли белгилар бўлиб қолмоқда.

Адабиёт ва санъатнинг энг яхши асарларини пропаганда қилишда, бутун оммавий-сиёсий ишларимизда, меҳнаткашларга эстетик тарбия бериш ишида радио ва телевидение катта роль ўйнайди. Радио ва телевидение эшиттиришлари кейинги вақтларда бир мунча яхшиланганлигига қарамай, Радио эшиттириш ва телевидение комитетининг ишида ҳали камчиликлар кўп. Эшиттиришларнинг мазмуни меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларидан орқада қолмоқда. Интеллигентларимиз, дейди докладчи, радио ва телевидениенинг энг яхши активларидан бўлишлари лозим. Алоқа министрлиги колхозлар, совхозларни, республикадаги қишлоқ жойларининг ҳаммасини ёппасига радиолаштириш ишини тезроқ тугаллаш чораларини кўриши керак.

Матбуот ходимлари, Н. С. Хрушчев партиянинг дастёрлари деб ном берган шонли журналистларимиз интеллигенциянинг катта отрядидир. Кейинги вақтларда газета ва журналлар ҳамда бошқа босма маҳсулотларнинг ғоявий савияси сезиларлик равишда ошди, уларнинг мазмуни ва техника жиҳатидан безатилиши ранг-баранг бўлиб қолди. Бироқ, шу нарсани кўрмаслик мумкин эмаски, баъзи газеталар ва журналлар ҳали ҳам юксак даражада эмас, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳаётий муҳим масалаларини юзаки ёритмоқда, газета ва журналларда зериктирадиган, ғўр, бир-бирига ўхшаш нарсалар ҳали кўп. Газеталар, журналларнинг, китоб маҳсулотининг мазмунини яхшилаш ва уларни чиройлик қилиш устида зўр бериб ишлаш, кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатиш, ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракатини кенгайтириш, журналист кадрлар тайёрлаш системасини яхшилаш, газетанинг, журналнинг ҳар бир сонини ёркин, жанговар, чуқур мазмунли қилиб, совет газетхонининг ўсиб бораётган талабларига жавоб берадиган қилиб чиқаришга интилиш керак. Яқинда ташкил этилган Ўзбекистон журналистлар союзи бу ишда катта роль ўйнаши лозим. Бу союз матбуот, нашриёт, радио ва телевидение ходимларидан 800 га яқин кишини ўз сафида бирлаштирди.

Республикада даволаш муассасаларини тўхтовсиз кўпайтирилмоқда. Фақат 1959 йилнинг ўзидагина республикада мавжуд касалхоналар, санаторийлар ва туғруқхоналарда яна 3 мингдан кўпроқ койка ишга туширилди. Янги касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари очилди. 100 тадан кўпроқ маъмурий бинолар соғлиқни сақлаш органларига топширилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш системасида койкаларнинг сонини кўпайтириш соҳасида етти йиллик план топширигини 1960 йилдаёқ бажариш учун ҳозир ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Медицина ходимлари меҳнатни мухофаза қилиш ва касалликларнинг олдини олиш ишларини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор беришлари лозим. Тошкент, Наманган, Фарғона ва бошқа шаҳарларнинг медицина ходимларидан 200 дан кўпроқ киши доимий ишлаш учун узоқ қишлоқ районларига жўнаб кетдилар. Буларнинг ватанпарварлик ташаббусини ҳар томонлама қувватлаш керак. Баъзи медицина одимларимиз ажойиб ўрнак кўрсатдилар. Улар Ростов-Дон медикларининг ташаббусидан ибрат олиб, ўзларининг асосий ишларидан бўшаган вақтларида даволаш муассасаларига бориб, беморларни даволаш учун текин маслаҳат бериш ва шу муассасаларга даволаш — профилактика ишининг сифатини оширишда ташкилий-методика ёрдами кўрсатиш вазифасини ўз зиммаларига олдилар. Бу ватанпарварлик ҳаракатини бошлаб берганларга эргашувчиларнинг кўпайиб кетишига сира шубҳаланмаймиз.

Ўртоқ Рашидов докладнинг анчагина қисмини меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида интеллигентларнинг ролини оширишга бағишлайди. Революцион марксизм-ленинизм назарияси, ишчилар синфи партиясининг ғолиб таълимоти меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг асоси бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Кадрларни марксча-ленинча чиниқтириш соҳасида бир талай иш қилинди. Партия пропагандасининг савияси оширилмоқда. Бизнинг бурчимиз — Ленин партиясининг улуғ идеяларини омма орасига ёйиш, КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини кенг пропаганда қилиш, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг куч ва ғайратини етти йиллик планнинг жуда катта топшириқларини амалга оширишга сафарбар қилишдан иборатдир. Докладчи КПСС XXI съездининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «Сталин областининг меҳнаткашлари орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва бу ишларни яхшилаш чоралари тўғрисида» чиқарган қарори муносабати билан сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш жамияти, шунингдек агитколлективларнинг ишларини батафсил анализ қилади.

Динга қарши пропаганда идеология ишимизнинг энг муҳим участкаларидан бири бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Сўнгги вақтларда бу иш яна ҳам ташкилий ва систематик характерга эга бўлиб қолди, бу ишда қатнашаётган интеллигентларнинг сони тобора кўпаймоқда, бу эса ижобий натижалар бермоқда. Ўтмишнинг бошқа салқитлари билан ҳам: хусусий мулкчилик тенденциялари, бюрократизм, эгоизм кўринишлари, ичкиликбозлик, безорилик, порахўрлик, социалистик жамият қоидаларини бузиш ҳоллари билан ҳам актив кураш олиб боришимиз керак. Бу муҳим ишда жамоатчиликнинг роли катта. Жамоатчилик тартибини қўриқловчи дружиналарнинг фаолияти тобора активлашмоқда ва самарали бўлиб қолмоқда. Афсуски, биз уларнинг иш тажрибаларини етарлик равишда умумлаштирмаётирмиз, янги кишини тарбиялашда, социалистик ҳуқуқ тартибини таъминлашда актив қатнашаётган энг яхши жамоатчиларимизнинг тажрибаларини ҳали ҳам тузук оммалаштирмаётирмиз.

Совет интеллигенти ўз моҳияти эътибори билан коммунизмнинг актив қурувчиси бўлганлиги учун ҳам у олга боришимизга ҳалақит берaётган нарсаларнинг ҳаммасига беparволик билан қараб тура олмайди. Совет интеллигенти илғор ишчилар ва деҳқонларнинг энг яхши сифатларини: муайян мақсадга қунт билан пролетарларча интилиш, ғоявий принципиаллик, партия ва Ватанга фидокорона содиқлик, марксизм-ленинизм улуғ идеяларига чексиз садоқат сифатларини ўзига сингдириб олиши, социалистик идеологиянинг софлиги ва тўла равишда тантана қилиши учун бутун кучини сарфлаб курашуви лозим.

Бизнинг ижтимоий фанларимиз, деди яна докладчи, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида катта ўрин олиши лозим. Партия XXI съезди ижтимоий фанларнинг ходимлари олдига ижтимоий тараққиётнинг қонунларини ва социалистик қурилиш практикасини умумлаштирувчи катта асарлар яратиб бериш коммунизмга аста-секин ўтиш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Докладчи айрим проблемаларни назарий жиҳатдан ёритишнинг бир қанча принципиал масалаларига тўхталиб ўтади.

Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш, деди докладчи, бутун идеология ишимизнинг ажралмас таркибий қисми эканлигини зўр куч билан уқтириб ўтиш керак.

Докладчи чет эллардан Ўзбекистонга келаётган вакилларнинг кейинги йилларда анча кўпайганлигини эслатиб ўтади. Ўзбек халқининг Шарқ ва Ғарб чет эл мамлакатлари билан алоқалари кўпаймоқда. Шу йилнинг бошларида ташкил этилган чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти Ўзбекистон жамоатчилигини чет эл мамлакатлари халқларининг турмуши билан таништириш ҳамда республикамизнинг муваффақиятларини чет элларда пропаганда қилиш соҳасида анча иш қилди. Ҳозирги замон империализми идеологларининг коммунистик қурилишнинг улуғ муваффақиятларини қоралаш ва бу муваффақиятларга тухмат қилиш йўлидаги уринишлари ўзбек халқининг ва Совет Ўрта Осиёсидаги бошқа халқларнинг ҳаётида очиқ кўриниб турган реал фактлар олдида разил ва пасткаш уринишлар бўлиб қолмоқда. Чет эл шарқи халқлари учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилаётган Совет Ўрта Осиёсининг ёркин намунаси, кўп миллатли социалистик давлатимизнинг қудрати империалистларни ва уларнинг малайларини қутиртирмоқда, уларнинг вахшиёна ғазабини келтирмоқда. Лекин, ўзбек халқининг мақолида айтилганидек: «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди». Чивинлар ўзларини чироққа уриб ёниб кул бўлаётганлари каби тухматчиларнинг разил ўйдирмалари ҳам бахтли ва эркин ҳаётимизнинг қуёшдек ёруғ нурлари олдида ёниб кул бўла беради.

Съездимизда ўзимизнинг босиб ўтган йўлимиз якунларини жамлар эканмиз, ўзбек халқининг жуда улкан тарихий ғалабаларини қайд қилар эканмиз, коммунизм сари олға томон қилаётган ҳаракатимизнинг жозибали истиқболлари тўғрисида гапирар эканмиз, дейди ўртоқ Рашидов, муҳаббат ва миннатдорчилик ифодаси бўлган биринчи сўзимизни жанглларда синалган зафарли ленинчи партиямизга ва унинг Марказий Комитетига қаратиб айтамиз. Мана шуларнинг ҳаммаси учун партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига ва унинг Президиумига съезд қатнашчилари номидан, ҳамма интеллигенциямиз номидан ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан қизғин ташаккур билдиришга ҳамда қудратли Ватанимизни, шу жумладан Совет Ўзбекистонини ҳам яшнатиш йўлида, одамларнинг бахт-саодати йўлида, ер юзида тинчлик ўрнатиш йўлида ҳормай-толмай сидқидил билан ишлаётганлиги учун азиз Никита Сергеевич Хрушчевга чин кўнгилдан раҳмат айтишга ва унга сиҳат-саломатлик ҳамда узоқ умр тилашга ижозат бергайсиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб шуни айтишга ижозат беринг гизки, Совет Ўзбекистонининг партия ва халққа чексиз содиқ бўлган интеллигентлари бундан буён ҳам Ватанимизнинг бахт-саодати ва равнақи йўлида янада зўр ғайрат билан меҳнат қила берадилар, жонажон Коммунистик партиямизнинг ёркин ва олижаноб идеяларини, ленинизм идеяларини омма орасида тағин ҳам зўр ғайрат билан сингдира берадилар, ўз қалбларининг оташин бутун ихтиросини, ўз тажрибаларини, ўз билимларини коммунистик жамият қуриш улуғ ишига сарфлай берадилар.

Съезд қатнашчилари бу сўзларни қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Биринчи мажлисда ўртоқ Рашидовнинг доклади юзасидан музокаралар бошланди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Суратда: съезд залида. В. Салов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партиявий раҳбарлик — муваффақиятлар гарови

(КУЙБИШЕВ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Навбатдаги район партия конференциясига тўпланган делегатлар район партия комитетининг секретари А. И. Бродованинг ҳисобот докладини тингладилар ва ишчанлик билан муҳокама қилдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даврида район партия ташкилоти хўжаликка раҳбарлик қилиш савиясини бирмунча оширганлигини, бунинг натижасида етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини бажаришда қатор муваффақиятлар қўлга киритилганлигини таъкидладилар. Район бўйича 11 ойлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани муддатидан олдин адо этилди ва қўшимча равишда 38 миллион сўмлик маҳсулот берилди.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даврида қўлга киритилган муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга, айрим корхона, муассаса ва олий ўқув юртлари партия ташкилотлари фаолиятидаги, район партия комитети ишидаги жиддий камчиликларни очиб ташладилар. Районнинг 7 та саноат корхонаси 11 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади, бир қанча корхона маҳсулот турлари бўйича планни бажара олмай қолди. Айрим заводларда меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, иқтисод режими кўнгилдагидек эмас. Кўп корхоналарда брак анча процентни ташкил этаётир.

Бунга энг асосий сабаб мазкур корхоналар маъмурияти ва партия ташкилотларининг хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмаётганлигида, экономика масалалари билан кам шуғулланаётганлигида, топширилган иш учун масъулиятни тўла ҳис этмаётганлигидадир. Худди шунинг учун ҳам «Ташсельмаш» заводининг директори Оттигашев, ғишт заводининг директори Урумбоев, ёғочсозлик заводининг директори Мальков ўртоқлар ишдан олиндилар.

— Корхоналарнинг бир меёрда ишламаётганлигига асосан халқ хўжалиги кенгаши айдор, — деди ўз сўзида экскаватор заводининг ишчиси ўртоқ Макаров. — Чунки корхоналар бутун ой давомида бир меёрда зарур хомашё ва материал билан таъминланмайди, натижада ойнинг иккинчи ярмида штурмга ўтишга мажбур бўлаётирмиз.

Қурилиш ташкилотларининг иши конференцияда айниқса қаттиқ танқид қилинди. Район бўйича 10 ойлик капитал маблағ сарфлаш плани атиги 56,4 процент бажарилган. 159-трест саноат объектлари қурилишини жуда чўзиб юборaётир, уйжой қурилишининг суръати бундан ҳам паст.

— Бундай аҳволни тузатишнинг бирдан-бир йўли, — деди ремонт-механика заводининг директори Ғайбуллаев, — индустриал методларни кенг қўлланишдир. Ваҳоланки, райондаги қурилишларда қўл меҳнати асосий ўринни эгаллаётир, техникадан ёмон фойдаланилмоқда, қурилишни тўғри ташкил этиш ва тез олиб бориш масаласи билан партия ташкилотлари юзаки шуғулланмоқдалар.

«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари Иванова район партия комитетининг корхона партия ташкилотларига раҳбарлик қилишдаги иш услуби ҳақида гапирди. Райком инструкторлари ва секретарлари кўпроқ справка ва сводкалар тўплаш билан овора бўлиб, партия ташкилотлари ишидаги янгиликларни умумлаштириш, оммалаштириш ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини текшириш билан кам шуғулланмоқдалар.

Район комсомол комитетининг секретари Турсунматов ва «Ташсельмаш» заводининг ишчиси Черноглазов ўртоқлар ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласи билан район партия комитети ва бошлангич партия ташкилотлари етарлича шуғулланмаётганликларини конкрет фактлар билан кўрсатдилар. Район халқ маорифи бўлимининг мудири Мамченко ва САэПИ партия комитетининг секретари Медведев ўртоқлар ўқув-тарбия ишларининг турмуш билан, ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар киритдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси партия комитетининг секретари Зоҳидов пойтахт олимларининг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирди. Шу билан бирга, у, олимларнинг ва илмий-текшириш институтларининг ишидаги катта камчиликларни ҳам эътироф этди.

Шунингдек, конференцияда «Ташкенткабель» заводининг директори Сафонов, район ижроия комитетининг раиси Қобулов, ТашМИ директори Ғуломов, Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари Биркин, республика Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Зоиров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари С. М. Веселов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ф. Е. Титов қатнашди.

Конференция район партия комитетининг янги составини, ревизия комиссиясини ҳамда шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайлади.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленуми ўртоқ А. И. Бродовани район партия комитетининг биринчи секретари, А. Т. Тахтаров ва Р. И. Муҳамедова ўртоқларни райком секретарлари қилиб сайлади.

Аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилайлик

Ҳар қандай буюм ҳам вақт ўтгач эскиради, бузилади, йиртилади. Унинг узоқ хизмат қилиши учун йиртиғини ямаб, бузуғини тузатиб туриш керак. Лекин бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, қўлидан келадиганлар ҳам ишдан қўли тегмай, вақт тополмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам шаҳар ва районларда аҳолига хизмат қиладиган турли маиший корхоналар ташкил этилган.

Шундай корхоналар Оҳангарон шаҳрида ҳам бор. Чунончи, шаҳардаги бинокорлик материаллари заводи (директори ўртоқ Устинов) ҳузуридаги аҳолига маиший хизмат қиладиган комбинатнинг ямоқчилик, соатсозлик, радиосозлик ва тикувчилик цехлари бор. Лекин сиз бу цехлар хизматидан фойдаланишни орзу қила кўрманг, асло! Акс ҳолда сарсон-саргардон бўлиб қоласиз.

Баъзан шундай ҳам бўлади. Мана радиодан ажойиб концерт бермоқда. Сиз уни завқланиб эшитмоқдасиз. Бирдан приёмникнинг овози ўчиб қолади. Демак, унинг бирор қисми бузилган. Иллат қаерида эканини топа олмайсиз. Ноилож уни қўлтиқлаб, устахонага олиб боришга мажбур бўласиз.

Завод ҳузуридаги радиосозлик устахонасида сизни мастер Соловьев хушмуомала билан кутиб олади. Юзингизда умид учқунлари порлайди. Гўё приёмникни ҳозирнинг ўзида тузатиб берадиг-ю, яна бориб концертни эшита берасиз. У, радиоприёмникни олиб у ёқ-буёғига қарайди.

— Лампаси қуйибди, — дейди у, приёмникни қўлингизга қайтиб бераторib, — ҳеч қандай ёрдам қилолмайман. Бизда керакли деталлар йўқ.

Жавоб аниқ ва қисқа: «деталь йўқ». Шу билан иш тамом.

Наҳотки завод дирекцияси ўзи ташкил этган бу цехларни керакли материаллар билан таъмин эта олмаса! Цехларда материал бўлмагани учун тузатишга берилган буюмлар ўз муддатида ремонт қилинмайди. Комбинатнинг соатсозлик цехида аҳвол бундан ҳам ёмон. Кам ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар керагидан кўп берилади. Энг зарур эҳтиёт қисмлар эса мутлақо бўлмайди.

Бундан ташқари Соцгородокда қаторасига 3 та радиосозлик устахонаси бор. Тешиктошда эса бундай устахонадан битта ҳам йўқ.

Комбинатнинг тикувчилик цехи Оҳангаронинг кўп сонли аҳолисига хизмат қилади. Бу ерда кунлик топшириқни 120—130 процентга етказиб бажарадиган Л. Бюллер, Р. Наберт, Н. Ким каби ажойиб усталар бор. Шу билан бир қаторда меҳнат интизомига риоя қилмайдиган, ўз ишига масъулиятсизлик билан қарайдиган кишилар ҳам кўп. Улар ишга кеч келиб, эрта кетадилар. Цех бошлиги ўртоқ Ажиметов бунга эътибор бермайди. Бу цехда ҳам материаллар, асбоб-ускуналар етишмайди. Тикувчилар иш, астарлик ва бошқа материаллар, шунингдек дазмол, қайчи каби зарур асбоблар билан етарли таминланмайди. Цехда меҳнат яхши ташкил қилинмаганидан ишнинг унуми йўқ. Шунинг учун ҳам буюртмачилар ўз заказларини кўрсатилган вақтда ололмайдилар. Улар ойлаб сарсон бўлиб юрадилар.

Оҳангарон бинокорлик материаллари заводининг дирекцияси аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган комбинатни қачонгача шу аҳволга ташлаб қўяди?

Ю. ИГНАТЬЕВ

Шудгорлашни тез ва сифатли ўтказиш — шу куннинг жанговар вазифаси

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЕРНИ ТЎЙДИРИНГ!

Еринг семиз бўлса у сени уёлтирмайди, шунинг учун ерни ҳеч вақт толиқтириб қўйма, дейишади миришкор деҳқонлар. Мўл ҳосил тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги кунларда келаси йили янада юқори кўрсаткичларга эришишни истаган пахтакор отабоболаримизнинг бу ҳикматли гапига амал қилиб иш юритмоқда. Йил бўйи «ишлаб» анча толиқиб қолган ерга ҳайдаш олдидан маҳаллий ва минерал ўғит солиб тўйдирмоқда. Янгийўл районидаги Ленин номли гигант хўжалик аъзолари ҳар йилдагидек бу йил ҳам ибрат бўларли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Колхоз комсомол-ёшлари маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага ташиб чиқаришда ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Бу хўжаликда шудгорлашнинг сифатига алоҳида эътибор бериш билан бирга, ернинг талабига қараб ўғит солинмоқда. Боёвут районидаги «Коммунизм» ва Оржоникидзе районидаги илғор хўжаликларда ҳам маҳаллий ўғит тўплаш ва далага ташиб чиқариш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Бироқ, ҳамма ерда ҳам иш ана шу хилда ташкил этилмаган.

Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Сирдарё районларидаги колхоз ва совхозларда бу иш, айниқса ўзи-бўларчиликка ташлаб қўйилмоқда. Гулистон районидаги «Октябрь», Фрунзе номли, «Красная заря» колхозларининг раҳбарлари билан сўзлашсангиз «ҳамма нарса жойида, транспорт ва ишчи кучлари ажратилган, ўғит тўплаш давом этмоқда» деб сизни ишонтирадилар. Аммо далаларни айланиб кўрсангиз, ажратилган аравалар ва транспортларнинг ярмидан кўпи тўхтаб бекор турганлигини, ўғит тўплаш деярли бошланмаганлигини кўрасиз. Бундай аҳволни Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли, Сталин номли колхозларда ҳам учратасиз.

Декабрнинг биринчи ўн кунлиги ҳам тамом бўлди. Пахтадан мўл ҳосил етиштириб эл олдида берган ваъдасининг уддасидан чиққан колхозчилар, совхоз ишчилари дала ишларини конвейер усулида ташкил этиб, келгуси йил тўғрисида қайғирмоқдалар. 1960 йилда янада мўл ҳосил етиштириш учун шу кунларда замин ҳозирланиши керак. Бутун куч кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга сафарбар қилиниши лозим. Ҳозирги кунниг энг муҳим вазифаси шудгорлашни тез ва сифатли тугаллашдан иборат экан, бу ишни маҳаллий ўғит тўплаш ва уни ҳайдаш олдидан ерга солиш билан боғлаб ўтказайлик!

Шудгорлашни барвақт тугаллайлик

Деҳқонларимиз шудгорлашнинг пахта ҳосилдорлигини оширишда роли катта эканлигини яхши биладилар. Чигит экиш учун ажратилган ер эрта муддатларда шудгор қилинса, тупроқда нам ва озуқа элементлари яхши сақланади. Бу ғўза ва бошқа экинларнинг ривожи учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам областимиз колхозчилари, совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашиб, келгуси йил мўл ҳосили гарови шудгорлаш юзасидан белгиланган топшириқни муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар.

Кўпгина колхоз ва совхозлар шудгорлаш соҳасидаги топшириқларини бажаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Боёвут районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Т. Латипов раислик қилаётган «Коммунизм» колхози шудгорлаш планини юз процент бажарди. Бекобод районидаги «Победа», Гулистон районидаги Карл Маркс номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», Охунбобоев номли колхозлар ҳам бу соҳадаги топшириқни ортиги билан бажардилар. Боёвут районидаги «Дружба», Бўка районидаги «Бўка», Гулистон районидаги «Мирзачўл», Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги», Сирдарё районидаги «Малик» совхозлари ҳам шудгорлашда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Лекин ҳали кўпгина районларда шудгорлаш топшириги жуда суст бажарилмоқда. Оққўрғон районидаги хўжаликларда шудгорлаш плани атиги 62,7 процент, Пискент районида 61,9 процент, Янгийўл районида 61,3 процент, Сирдарё районида 58,5 процент, Чиноз районида 55,9 процент бажарилди. Ваҳоланки, область бўйича шудгорлаш плани 76,1 процентни ташкил этади.

«Оққўрғон» районидаги Сталин номли, Охунбобоев номли, «Озод», Чиноз районидаги «Коммунизм», Навоий номли, Свердлов номли, Энгельс номли, «Қизил Октябрь», Гулистон районидаги «Красная заря», Коммуна, Бўка районидаги «XX партсъезд», Охунбобоев номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли, Свердлов номли колхозлар, «Фарҳод», 4-«Боёвут», 3- «Боёвут», 2- «Далварзин» совхозларида бу соҳада айниқса қолоқлик рўй бермоқда.

Қолоқ колхозларда шудгорлаш ишининг яхши уюштирилиши ва эрта тугалланишига айниқса катта аҳамият берилиши лозим. Афсуски, амалда шундай қилинмаётир. Масалан, Оққўрғон районидаги Калинин номли колхозда шудгорлаш плани атиги 28,5 процент, Бўка районидаги Карл Маркс номли колхозда 42 процент, «Ленинизм» колхозида 34 процент, Тимирязев номли колхозда эса 32 процент бажарилган. Шунга қарамасдан бу колхозларнинг правлениелари, партия ташкилотлари, қолаверса район раҳбарлари қолоқ колхозларда ишни ташкил қилиш билан чинакамига шуғулланмаётирлар. Қишлоқ хўжалик инспекциясидаги ўртоқлар ҳам бу иш билан қизиқмай қўйганлар.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, совхозлар трести, РТС директорлари барча тайёр қилинган тракторларнинг далага чиқарилиши ва улардан шудгорлашда тўла фойдаланишни таъминламаётирлар. Натижада Оққўрғон, Гулистон, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ сингари районларда кўп тракторлар бекор туриб қолмоқда, далада ишлаётган тракторларнинг иш унуми эса жуда паст. Масалан, Сирдарё районида ҳар бир трактор билан суткасига 4,7 гектар, Янгийўл районида 6 гектар ер ҳайдалапти. Оққўрғон районида ҳам тракторлардан унумли фойдаланилмаётир.

Демак, ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифа барча колхоз ва совхозлардаги мавжуд техникадан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш ва тракторларнинг меҳнат унумдорлигини оширишдан иборат. Бунинг учун ҳар бир механизатор масъулиятни чуқур ҳис қилиб меҳнат қилиши, топшириқни бажариш соҳасида ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлаши, шудгорлашни яқин кунлар ичида тугаллашда колхоз ва совхозларга астойдил ёрдам беришлари талаб қилинади.

Шудгорлаш олдидан ерга маҳаллий ва минерал ўғит солиш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу соҳада колхоз ва совхоз раҳбарлари, айниқса қишлоқ хўжалик мутахассислари катта камчиликка йўл қўймоқдалар. Ҳайдаш олдидан ерга ўғит солишнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар. Агрономлар ҳам бу соҳада таташаббус кўрсатиб ишлашмаяпти. Шунинг учун ҳам Бекобод районида ҳайдаш олдидан ерга ўғит солиш плани 5,3 процент, Пискент районида 6 процент, Бўка районида 11,8 процент, Оққўрғон районида 15,8 процент, Янгийўл районида 16,4 процент бажарилган, холос.

Маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланишга бу каби муносабатда бўлиш ҳолларига эндиликда йўл қўйиб бўлмайди. Район партия комитетлари хўжалик раҳбарларидан далага маҳаллий ва минерал ўғит ташиб чиқариб, шудгорлаш олдидан ерга солиш планининг бажарилишини қаттиқ талаб қилишлари лозим.

Ғанимат кунлар ўтиб бормоқда. Келгуси йилда янада мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган эканмиз, бунинг учун шу кунларда пухта замин яратайлик. Шудгорлаш, ернинг шўрини ювиш, маҳалий ўғит тўплаш сингари қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарайлик!

Еримизни келгуси йилга тахт қилиб қўйдик

Колхозимиз аъзолари шудгор мўл ҳосил гарови эканлигини ҳар йили ҳам тажрибада синаб келадилар. Шунинг учун ҳам биз йиғим-теримни тугаллаш биланоқ бу ишга астойдил киришдик. Механизаторларимиз КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми шарафига мусобақалашиб ишлаб яхши натижаларга эришдилар. 2690 гектар ер сифатли ҳайдалиб шудгорлаш планини муваффақиятли бажардик.

Колхозимиз аъзолари қишки дала ишларини давом эттирмоқдалар. Биз 15 декабрга қадар суғориш тармоқларини тозалашни ва 20 декабрга қадар эса бошқа қишки ишларни тугаллаш учун курашамиз.

Т. ЛАТИПОВ,
Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
А. ҚУРБОНОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Тракторларнинг иши унумли

Сирдарё районидаги «Социализм» совхози пахтакорлари кузги шудгорлашни тезда тугаллаш учун курашмоқдалар.

4-бўлимда ўтган йили пахта майдонлари барвақт шудгорлаб қўйилган эди. Шу бўлимнинг 4-бригадаси аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириб, ҳозиргача пахта тайёрлаш йиллик планини 160 процент бажардилар. Улар келгуси йилда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида шудгорлаш ишларини агротехника қоидалари асосида ўтказмоқдалар.

С. БЕКТОШЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1959 ЙИЛ 11 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Шаҳарлар ва районларнинг номи	Топшириқнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Оҳангарон	191,0	—
Қорасув	107,9	—
Юқори Чирчиқ	105	—
Калинин	100	—
Бўстонлиқ	100	—
Олмалиқ	98,9	10
Қуйи Чирчиқ	90,1	—
Оржоникидзе	79,6	4,2
Ўрта Чирчиқ	78,8	4,1
Бекобод	78,6	3,4
Боёвут	77,3	2,7
Гулистон	75,9	4,2
Оққўрғон	62,7	2,9
Пискент	61,9	2,6
Бўка	61,6	3,2
Янгийўл	61,3	3,7
Сирдарё	58,5	2,1
Чиноз	55,9	—
Янгиер	50,0	2,8

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

Чиноз районидаги 4-«Вревский» совхози чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бу ерда фермадаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар механизациялаштирилган. Совхозда экишга яроқли ҳар юз гектар ер ҳисобига 1500 центнердан сут, 129 центнердан гўшт етиштирилди. Шу туфайли ҳам бу хўжалик Деҳлида очиладиган Бутун дунё қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси қилиб белгиланди. Суратда: совхоз молхонасида.

В. Панов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК УЧУН!

Ҳадича Жўраева, Ксения Толмачева, Мукамбар Мусаевларни колхозда ҳамма билади. Булар ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли соғин сигирлардан тобора кўп сут соғиб олмоқдалар, социалистик мусобақада олдинда бориб, кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

— Менга 13 сигир биркитиб қўйилган,— дейди ўртоқ Ксеня Толмачева.— Йил охиригача ҳар бош соғин сигирдан камида 3200 килограммдан сут соғиб олиш учун курашаяпман.

Бу аёлнинг намунали иш услуби ва ажойиб меҳнат якунлари билан танишар экансиз, унинг бу йил ҳақиқатан ҳам соғин сигирлардан кўп сут соғиб олиш йўлида катта ютуқларни қўлга киритаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ўртоқ Толмачеванинг касбдошлари Ҳадича Жўраева, Мукамбар Мусаевалар ҳам ўзларига биркитилган соғин сигирларнинг ҳар биридан 2700—3000 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

Колхоз бўйича бу йил 4450 тонна силос бостирилди, 2286 тонна беда, 300 тонна хашаки лавлаги жамғариб қўйилди. Буларнинг ҳаммаси чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам сутчилик фермасида ҳамма вақт иш авжида. Колхоз сут соғувчилари йил охиригача 574 минг килограмм сут соғиб олиш юзасидан олинган мажбуриятни ортиги билан бажариш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Б. РИҲСИЕВ,
Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз.

Фельетон

„ДЕВОНА“ ХАЛФА

«Девона» халфа лақаби билан сўнгги пайтларда Ўрта Чирчиқ районидагина эмас, ҳатто қўшни районларда ҳам «машҳур» бўлиб дуохонлик қилаётган, фарзанд кўриш орзусида юрган баъзи бир аёлларнинг дардига гўё «дармон» бўлаётган домла Исоқжонмақсум Сидиқ ўғли билан танишишга қарор қилдик. Зероки баъзи бир кимсалар ул зот бобаракотнинг кимлигини тўғри тушуниб, унга ортиқча нисбат бермасалар.

Кунларнинг бирида домланинг ҳузурларига отландик. Мана, «Ленин йўли» колхозининг Чиririқ посёлкаси. Атрофи ёғоч қўрғон билан ўралган бир гектарлик боғ. Ҳовли ичкарисига кирдик. Ўн чоғли аёл Девона халфанинг «қабулхоналари»га кириш учун навбат кутиб ўтирибдилар.

— Ўқиттани келдингларми? — сўради биздан Карл Маркс номли колхоздан келган бир аёл.

—Ҳа... домлани кўрмоқчимиз,— жавоб қайтардик.

—Навбат билан кирасизлар,— гапга аралашди боласини қўлтиқлаб ўтирган бошқа бир аёл. — Биз ҳам эрталабдан бери навбат кутиб ўтирибмиз...

Ва чора, кутишга мажбур бўлдик. Бир соатдан сўнг навбат бизга келди. Домланинг «амбулатория»лари қоронғи, зах бир ҳужрадан иборат экан. Тўрида чўккa тушиб ўтирган Исоқжонмақсум:

—О, болаларим сизларнинг журибди,— дедилар ўғир қўлларини бошлари узра кўтариб.

— Қандай жин? — ҳайрон бўлдик биз.

— Сариқ жин, ё раббий! Сизларни сариқ жин урган, — дедилар яна домла ва «ёрдамчилари» бўлса керак, бир аёлга юзланиб буйруқ бердилар, — Хивичларни келтир буён, хўп вақтида келибсизлар фарзандларим...

Йўқ, домла янглишдилар. Бизни ҳеч қандай жин урган эмас. Биз ахир у кишининг ўзлари билан танишмоқчи эдик-ку. Домла бўлсалар Сизларни ё жин ёки дев урган, тушимда аён бўлди деб туриб олдилар. Аммо биз ўз илтимосимизни ҳадеб такрорлай бергач, домла:

— Ёшим 44 да, ўзим шу ерда туғилганман. 13 ёшимдан катта ашон қўлида тарбия топдим, — деб кўзларини юмуб гап бошладилар. — Улуғ Ватан урушига қатнашдим, етти жойимга душман пичоқ урган, уч панжам танк остида қолиб мажақланди...

— Қайси фронтда бўлгансиз, домла?

— Ҳеч қандай фронтсиз уриша бергамиз...

Домла худди тилларини ари чақиб олгандек дудуқланиб қолдилар. Бу ҳолатнинг шуҳозирги яна оширди. Чуқурроқ текширишга киришдик. Исоқжонмақсум 1912 йилдан бошлаб 1919 йилгача роса саккиз марта туғилган эканлар. Гоҳ Ўрта Чирчиқ районида, гоҳ Қўқон районининг Қизилқия қишлоқ советида, гоҳ Мирзачўлда, гоҳ яна аллақаерларда қайта-қайта туғилган эканлар. 1957 йили энг сўнгги мартаба минг хил қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб, туғилиш гувоҳномаси (№ 323412) ни олаётганларида ўзларини 1914 йилда «Ленин йўли» колхози территориясида туғилиб, шу ерда ўсганларини, то сўнгги дамларигача колхоз подасини боқиб келаётганликларини айтганлар. Худди шу йили «XIX УЦ № 678716» номерли паспорт олаётганларида эса ҳурматли домламиз милиция органига қўйидаги таржимаи ҳолни ҳавола қилганлар.

«Мен Исоқжон Содиқ ўғли 1912 йилда Ўрта Чирчиқ районида туғилганман. 5 ёшимда онам билан Қўқонга кетиб у ерда 10 йил яшадим. 1937 йили Қўқонда қоп ўғирлаб қамалдим. 1939 йили эса қамоқдан бўшаб, икки ойдан сўнг майда ўғирликда айбланиб яна қамоққа олиндим. 1943 йили қамоқдан бўшаб Ўрта Чирчиқ районига келдим. Бу ердан фронтга кетиб, контузини бўлиб қайтдим...».

Исоқжон Мақсумнинг таржимаи ҳолларини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида тергов материаллари билан ҳам танишиб чиқишга мажбур бўлдик. Уларда қайд қилинишича, домла 1916 йилда Қўқон шаҳрида туғилганлар. Ҳеч жойда ишламай шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб ўғирлик билан шуғулланадилар. Мирзачўлда Али Ҳайдаров деган катта бир ўғри билан дўстлашиб йўлтўсарлик қиладилар. 1937 йилнинг 14 октябрь куни кечаси кучли шамол эсиб, ёмғир ёғиб ўтурган бир пайтда икковлари Азим Содиқов деган йигитни пичоқлаб пул ва кийимларини олиб қочаётганларида қўлга тушадилар...

Домла кўп қайсар одам бўлган эканлар. Қамоқ муддатини ўтаб оқланиш ўрнига Жамбул станциясига етганларида вагондан тушиб қочишга уринадилар. Пешоналари тошга урилиб ёрилади, панжалари вагоннинг гилдираклари остида қолиб мажақланади ва яна қамаладилар...

Мана энди ҳурматли домламизнинг Улуғ Ватан урушига қай усулда қатнашганлари ҳам бизга маълум бўлиб қолди.

Домла эсларини таниганларидан буён ўғирлик, йўлтўсарлик, бировларнинг ҳалол пешона тери билан топганини тортиб олиш билан шуғулланиб келганлар. Мана эндиликда текин ейишнинг бошқа бир турини — дуохонликни касб қилиб олибдилар. Бу кишининг «Акушер-гинеколог» ёки ҳар қандай дарддан халос этувчи Луқмони ҳаким бўлиб «шуҳрат» қозонганларига таажжубланмаса ҳам бўлади. Чунки орамизда жаҳолат тушунчасидан қутила олмаган кишилар ҳали оз эмас.

Молия органининг агенти Жўра Худойбердиев, Киров номли колхоздан Ҳайдарали Акбаров, Сталин номли колхоздан Маматқул Тошматов сингари содда кишилар ўзларини ўқитиш баҳонаси билан домлага сигиниб, «Пирим» деб ёлвориб, топган-тутганларини у кишининг қўлларига келтириб беришди. Афсуски, касаллар тузалиш ўрнига баттар бўлишди. Бечора Маматқул аканинг бевақт вафот этишига ҳам домланинг худди ўзлари сабабчи бўлдилар...

Исоқжонмақсумнинг кирдикорлари район меҳнаткашларини, айниқса «Ленин йўли» колхозининг аъзоларини қаттиқ газаблантирмоқда.

Район ташкилотларидаги баъзибир раҳбар ўртоқлар бўлса негадир бу аянч аҳволнинг тамошабини бўлиб қолмоқдалар.

Х. ТЎХТАБОЕВ,
Т. КАРИМОВ.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Диалектик материализм масалалари

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган «Диалектик материализм масалалари»[1] номли китобни нашр этди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, философия фанлари доктори, профессор И. Мўминов раҳбарлигида нашрга тайёрланган бу китобни ёзишда философия фанлари доктори В. И. Зоҳидов, философия фанлари кандидатлари Х. Расулев, Ж. Бобоев, А. Ортиқов, Р. Абдушукуров, А. Аюпов ва бошқалар қатнашдилар.

Дарслик-қўлланма сифатида ёзилган бу китоб СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг диалектик ва тарихий материализм юзасидан чиқарган 70 соатлик программаси асосида тайёрланган.

Китобнинг биринчи бобида диалектик материализмнинг келиб чиқиши, ривожланиши, предмети ва вазифалари баён этилади. Илмий коммунизмнинг асосчилари Маркс ва Энгельс диалектик материализм таълимотини юзага келтиришдан олдин ўша пайтда кўтарилиб келаётган ишчилар ҳаракатини, ўсиб бораётган капиталистик, муносабатларни, фан кашфиётларини, ижтимоий фикрлар ривожланишининг тарихий ютуқларини қунт билан ўргандилар, танқидий қайта қараб чиқдилар ва ижодий равишда умумлаштириб, философияда туб ўзгаришлар ясадилар. Маркс-Энгельснинг улуғ хизматлари шундаки, улар янги, коммунистик жамиятнинг ижодчиси бўлган пролетариатнинг вужудга келиши ва унинг тарихий ролини доҳиёна кўрсатиб бердилар. Бу буюк кашфиётлар китобнинг биринчи бобида чуқур илмий асосда ёритиб берилган.

«Дунёнинг моддийлиги, материя ва унинг яшаш формалари» деган иккинчи бобида дунёнинг моддийлиги ва унинг ривожланиш қонунлари ёритилган. Дунё ўз табиати билан моддийдир ва материянинг ҳаракат қонунларига биноан ривожланади, деб таълим беради марксизм-ленинизм. Дунёдаги энг кичик нарсалардан тортиб то қуёш ва юлдузларгача моддий дунёнинг турли кўринишларидан иборатдир ва ҳеч қандай «дунёвий рух», «мутлақ идея», «худо» томонидан яратилган эмас. Китоб авторлари философиянинг бу асосий масаласини ёрқин мисоллар асосида кўрсатиб бера олган.

Маркс ва Энгельснинг буюк хизматларидан яна бири шуки, улар диалектик материализм қонунларини жамият тарихига татбиқ қилдилар. Кишилик жамияти моддий оламнинг бир қисми бўлгани учун жамиятга хос объектив қонунлар асосида ривожланади. Пролетариатнинг буюк доҳилари жамият айрим шахслар ёки «яратувчи»нинг истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишини кўрсатиб бердилар.

Философиянинг асосий масаласи бўлган «Материя ва онг» китобнинг учинчи бобида баён этилган. Барча философлар материя бирламчими ёки онг бирламчими деган масалада икки асосий лагерга бўлинадилар. Дунё материядан иборат деювчилар материалистлар, дунёда аввало онг, сўнгра материя пайдо бўлган деювчилар идеалистлар лагерини ташкил қилдилар. Китобда диалектик материализмга, дуализмга ва вульгар материализмга қарши кураш олиб борганлиги ҳар тарафлама кўрсатиб берилган.

Материя бирламчи, онг иккиламчи деган асосий қоидани ижтимоий ҳаётни ўрганишга татбиқ қилиш марксистик партия учун ва унинг амалий фаолияти учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги масаланинг китобда дуруст ёритилганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Китобда ёритилган масалалардан яна бири материалистик диалектиканинг умумий боғланиш ва ривожланиш тўғрисидаги таълимотидир. Табиат ва жамиятда ҳеч бир нарса, ҳодиса айрим ажралган ҳолда, бошқа нарсаларга ва ҳодисаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшамайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Фаннинг вазифаси ана шу нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ўртасидаги ички боғланишларни, объектив қонуниятларни илмий асосда чуқур ўрганишдан иборатдир.

Диалектик материализмнинг уч асосий қонуни; миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонуни, инкорни инкор қонунини ёритишга китобнинг катта бир қисми бағишланган. Диалектиканинг бу асосий масалаларига ҳам китобда анчагина ўрин берилган.

Материалистик диалектиканинг асосий категориялари тўғрисидаги масала ҳам илмий ва изчил равишда ёритилган. Материалистик диалектиканинг моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, зарурият ва тасодифат тўғрисидаги таълимоти моддий олам ва жамият қонунларини тушунишда, ва турли реакцион назарияларга қарши курашда шаклланган ва ривожланганига алоҳида эътибор берилган. Партиямиз XX ва XXI съездларида ва ҳозирги даврда ҳаётимиз ва ишлаб чиқаришимиз ривожланишидаги ҳаётий ва ҳал қилувчи масалаларнинг ечилишида диалектик материализмнинг ролини ва аҳамиятини ҳеч ким инкор қилолмайдиган ҳақиқатдир. Ҳозирги замонда ҳеч бир ишлаб чиқаришнинг, ҳеч бир ишнинг ва ҳеч бир ҳодисанинг ривожини ва ўзгаришини диалектик материализмсиз, диалектик материализм таълимотини ҳисобга олмасдан

УЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ XII СЕССИЯСИ

СОФИЯ, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун Софияда Узаро иқтисодий ёрдам кенгашининг XII сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишларида Албания, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегациялари қатнашмоқда.

Сессия ишларида Вьетнам Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Мўғулистоннинг вакиллари кузатувчи сифатида қатнашмоқдалар.

АҚШ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун эрта билан бу ерда Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг 17-съезди очилди. Съездда мамлакатнинг ҳамма қисмларидан келган 250 га яқин делегат қатнашмоқда.

Съезд мажлислари ёпиқ ҳолда ўтказилади, чунки Компартия вакилининг мухбирларга айтишича, АҚШ даги ҳозирги шароитда агар съезд делегатларининг номлари маълум бўлиб қолса, уларнинг ишдан бўшатилиши ёки бошқа йўллар билан таъқиб қилиниши хавфи бор.

Съездга тайёргарлик комитетининг раиси Гэс Холл матбуот конференциясидаги сўзида съезднинг кун тартибига тинчлик учун кураш, ишчиларга қарши қаратилган қонунларга қарши кураш масалалари, неграл масаласи, 1960 йилги бўладиган сайлов кампаниясига тайёргарлик масаласи киритилганлигини айтди.

ИТАЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

РИМ, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун Италия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Европа капиталистик мамлакатларидаги 17 коммунистик партия вакилларининг Римда бўлиб ўтган учрашуви ҳақида Италия Коммунистик партияси бош секретари Пальмиро Тольяттининг доклади тингланди.

Мажлис тамом бўлгандан кейин қуйидаги ахборот эълон қилинди: «Марказий Комитет Европа капиталистик мамлакатларидаги 17 коммунистик партиянинг яқинда бўлиб ўтган кенгаши тўғрисида ўртоқ Тольяттининг докладини эшитиб, коммунистик партиялар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш доирасида ҳозирги вазиятга мувофиқ бўлган формада кўрсатилган бу ташаббуснинг тўла муваффақиятини мамнуният билан табриклайди, партия делегациясининг кенгашдаги фаолиятини маъқуллайди ҳамда бу кенгаш қабул қилган якунловчи мурожаатнинг муҳимлигини таъкидлайди. Бу мурожаатда марксизм-ленинизм назарияси асосида ва пролетар интернационализми принципларига мувофиқ равишда, Европа капиталистик мамлакатларидаги коммунистик партияларнинг вазиятга баҳо беришдаги, шунингдек ҳозирги вақтда бу мамлакатларнинг ишчилар ҳаракати олдида турган асосий вазифаларни белгилашдаги сиёсий бирлиги ифода этилган.

«Н. С. ХРУШЧЕВ АМЕРИКАДА» ДЕГАН ФИЛЬМ БУДАПЕШТ ЭКРАНЛАРИДА

БУДАПЕШТ, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун Будапештнинг икки кинотеатрида «Н. С. Хрушчев Америкада» деган совет рангли ҳужжатли фильми кўрсатида бошлади. Венгрия пойтахтида фильм кўрсатила бошлаган биринчи кун унинг эҳр муваффақиятини кўрсатиб турибди.

Тамошабинлар бу фильмнинг экранларга чиқарилишини сабрсизлик билан кутдилар, деди «Хирадо» кинотеатрининг директори Йожеф Элиаш ТАСС мухбирига. Бундай бўлиши табиий бир ҳолдир. Хозирги кунда халқаро кескинликни юмшатиш проблемаларига қизиқмаган киши йўқ, Н. С. Хрушчевнинг Америкага қилган сафари эса совуқ урушни тугатиш ишига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилганлиги, ўзаро ишонч ўрнатиш йўлида қўйилган катта қадам бўлганлиги ҳаммага маълум.

Й. Элиаш бу фильмни кўришни истаётган кишиларнинг сони гоят кўп эканлигини айтди.

Япония-Америка «Хавфсизлик шартномаси»нинг қайта кўрилишига қарши биргаликда ҳаракат қилиш куни

ТОКИО, 10 декабрь. ТАСС мухбири В. Зацепин хабар беради:

Бугун — Япония-Америка «хавфсизлик шартномаси»нинг қайта кўрилишига қарши биргаликда ҳаракат қилиш кунида бутун мамлакатда япон меҳнаткашларининг митинглари, намойишлари ва забастовкалари бўлиб ўтди. Бу — япон меҳнаткашларининг тўққизинчи оммавий чиқишидир. Дастлабки маълумотларга кўра, бугунги намойишларда 4 миллиондан ортиқ киши қатнашган.

Биргаликда ҳаракат қилиш куни арафасида Япония ҳукумати бу кураш қатнашчиларини «қаттиқ жазолашга» қатъий қарор берганлигини билдириб, огоҳлантирган эди. Ҳукумат мавжуд бўлган ҳамма полиция кучларини тайёр қилиб қўйди.

Бироқ Япония меҳнаткашлари дўқлардан ва жазо чораларидан қўрқмадилар. Эрталабдан бошлаб поездлар тўхтатилди, давлат темир йўлларида митинглар бошланди. Давлат темир йўллари ишчиларининг курашини қўллаб-қувватлаб, хусусий компаниялларнинг темир йўлчилари ҳам қисман забастовкалар эълон қилдилар. Шахтерлар, Хоккайдо, Кюсю ва Хонсюдаги кимё саноати корхоналарининг ишчилари 24 соатлик забастовка бошладилар. Алоқачилар, металлургларга ва бошқа саноат тармоқларининг ишчилари курашга қўшилдилар.

Бугун Токиодаги Хибия паркида студент ёшларнинг ўн беш минг кишилик митинги: Биз яшашни истаймиз, шу сабабли Япония-Америка «хавфсизлик шартномаси»га қаршимиз, йўқолсин Киси ҳукумати, деган шиорлар остида ўтди. Айни бир вақтда Беракуэн паркида пойтахт корхоналари ва муассасалари ишчи ва хизматчиларининг 50 минг кишилик митинги бўлди.

Мамлакатнинг 750 пунктида бугун бўлиб ўтган митинглларнинг қатнашчилари резолюция ва декларациялар қабул қилдилар. Бу ҳужжатларда мамлакатни милитаризациялаш планларига қарши, Япония—Америка «хавфсизлик шартномаси»нинг қайта кўрилишига қарши қатъий норозилик билдирилади.

Бугун мамлакатнинг атоқли фан ва маданият арбоблари ҳам шартномани қайта кўриб чиқиш юзасидан музокараларни дарҳол тўхтатишни талаб қилиб, Япония ҳукуматига петиция юбордилар.

Хавфсизлик шартномасининг қайта кўрилишига йўл қўймаслик учун курашувчи милий кенгаш япон халқи кўпчилигининг фикрини ифодалаб, ўз баёнотида ҳукуматнинг ўз планларини амалга ошириш мақсадида қўлланаётган жазо чоралари, қамоққа олиш ва дўқ қилишлар япон халқининг курашини тўхтата олмайди, деб таъкидлайди.

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА ЯНГИ ГЭС

ПХЕНЬЯН, 10 декабрь (ТАСС). Бугун Чаган вилоятида 90 минг киловатт қувватли янги гидроэлектростанция ишга туширилди. ГЭС қурилиши давомида Совет Иттифоқининг илғор техника тажрибасидан фойдаланилди.

ПОЛЬША СЕЙМИДА

ВАРШАВА, 10 декабрь (ТАСС). Бугун Варшавада Польша Халқ Республикасининг сейми ўз ишини янгидан бошлади. Сеймнинг кун тартибида 1959 йилги бюджетни ўзгартириш тўғрисида, 1959 йилда капитал қурилишларни маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги ва бошқа қонун лойиҳалари бор.

Д. Эйзенхауэрнинг Ҳиндистонда бўлиши

ДЕҲЛИ, 10 декабрь. (ТАСС). Расмий визит билан Ҳиндистонда бўлган Америка Қўшма Штатларининг президенти Д. Эйзенхауэр бугун Ҳиндистон парламенти иккала палатасининг қўшма мажлисида нутқ сўзлади.

Жанубий Африка Иттифоқи аҳолисининг ярмидан кўпроғи қашшоқликда кун кечирмоқда

ПАРИЖ, 10 декабрь. (ТАСС). Жанубий Африка Иттифоқидаги маҳаллий аҳолининг ярмидан кўпроқ қисми мўҳтожликда кун кечирмоқда. Жанубий Африка Иттифоқининг баъзи шаҳар районларида африкаликларнинг ўртача умри 21 ёшга ҳам етмайди. Бу маълумотлар руҳоний Мунжонинг протестант черковлари вакилларининг халқаро конференциясида қилган докладида келтирилган. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, бу конференция Иоганнесбургда ўтказилмоқда.

ПИОНЕРЛАР УЧУН



Тошкент экспонатлари Нью-Деҳли виставкасида

Кеча Деҳлида Биринчи жаҳон қишлоқ хўжалик виставкаси очилди. Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини акс эттирган жуда кўп стендларда областимиз илғор хўжаликлари ютуқлари ҳам ўз ифодасини топган.

Стенддаги суратлар орасида Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг механиги В. Тюпконинг портрети бор. У чигитни квадратуялаб экиш, ўзани механизмлар билан икки томонлама ишлаш ва теримни механизациялаш туфайли бир центнер пахта етиштиришга 0,9 иш куни сарфлаган. Виставкада «Вревский» совхозининг фермасида эришилган ютуқлар ҳам намойиш қилинган. Фермани ифодаловчи фотопанарама ҳамманинг диққатини тортади.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига бағишланган экспонатлар коллектив хўжаликнинг афзалликларини ёрқин кўрсатади. Бу хўжалик 2411 гектар ерга чигит экиб, 27,3 миллион сўм даромад олди, бўлинмас фонд 32 миллион сўмга етган. Бу ерда 9 та мактаб, дам олиш уйи, маданият уйи, интернат-мактаб, меҳмонхона, 9 та медицина муассасаси, боғча ва яслилар бор. 48 колхозчи Тошкент олий ўқув юртларида билим олмоқда.

Юқорида айтилган илғор хўжаликлар ютуқларининг Биринчи жаҳон виставкасида намойиш қилинишн областимиз қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Чирчиқ шаҳар пионерлари яқинда ажойиб совга олдилар. Канал соҳилида, кимёгарлар маданият саройи ёнида қад кўтарган янги хашаматли, кўркам бино—пионерлар саройи фойдаланишга топширилди.

Баҳаво, обод ерда қурилган янги пионерлар саройида турли тўгарак машғулотларини ўтказиш учун 30 га яқин хона ажратилган. Шунингдек, саройда кутубхона, ўқиш зали, тамошалар ва спорт зали, киноустановка камераси бор. Уч қаватли бу бино ўзининг архитектура безаги, чиройли фойелари билан диққатга сазовордир. Ҳозир сарой ҳовлисини обод ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бино битказилиб, фойдаланишга топширилган кунданоқ шаҳар пионер ва ўқувчилари билан гавжум бўла бошлади. Улар ўз саройлари қучоғида бўш вақтларини кўнгилли ўтказадилар, маданий дам олиб, турли ҳунар ўрганадилар.

Янги пионерлар саройи қурилишига 1 миллион 700 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Қурилиш ишларини 160-қурилиш трестига қарашли 225 — УНР бинокорлари олиб бордилар.

Т. УРУНОВ.

Суратда: пионерлар саройи.

А. Добронов фотоси.

Тошкент темир йўли теплотехника конференцияси

Яқинда темирйўлчилар Маданият саройининг техника уйида локомотивларда ёқилғи тежашга бағишланган Тошкент темир йўли теплотехника конференцияси очилди. Конференция ишида Тошкент магистралининг илғор машинистлари, депо бошлиқлари, локомотив ремонти ва локомотив хизматининг ходимлари қатнашдилар.

Конференцияни қисқача кириш нутқи сўзлаб, Тошкент темир йўли бошлиғининг ўринбосари Н. И. Дмитриев очди. Локомотив хизматининг бошлиғи ўртоқ Д. Турғунов «Локомотивларда кўплаб ёқилғи иқтисод қилиш ва Тошкент темир йўлидан оғир юкчи машинистлар ҳаракати» тўғрисида доклад қилди.

Агар ҳар бир машинист ўз локомотивида бир процент ёқилғи тежашга эришса, Тошкент темир йўли бўйича бир миллион сўм маблағ иқтисод қилинган бўлади.

Магистралда оғир юкчи машинистлар ҳаракати тобора авж олмоқда. Илғор машинистлардан Зарипов, Здобников, Вострухин ва бошқа кўпгина ўртоқлар оғир юкли поездларни бошқариш билан бирга 40—60 тонналаб ёқилғи тежаб қолишга эришаётирлар. Ўтган ўн ой ичида Тошкент паровоз депоси 4,4 процент, Тошкент тепловоз депоси 1 процент ёқилғи иқтисод қилиб, давлатга бир неча юз минг сўм фойда келтирдилар.

Конференцияда Тошкент магистралининг илғор машинистларидан Зарипов. Костенко, Маҳмудов, Ермолаев, Кухлин ва бошқа ўртоқлар ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг доценти Писцов, кафедра мудири Крюгер, техника фанлари кандидати Толкачевлар ёқилғи сарфини камайтириш тўғрисида институт томонидан қилинаётган ишлар ҳақида сўзладилар.

Т. ҚОДИРОВ.

Пойтахтимизнинг Чилонзор массивида уй-рўзғор ва маданий буюмларни вақтинча фойдаланиш — ижарага берувчи янги магазин очилди. Бу магазиндан телевизор, радиоприёмник, кир ювиш ва тикув машиналари, пилесос, фотоаппарат ва бошқа буюмларни ижарага олиб, керагича фойдаланиш мумкин. Суратда: янги магазинда.

М. Нуриддинов фотоси.

СПОРТ

Чарм қўлқоп мастерлари мусобақаси

Бугун ва эртага округ офицерлар Уйи спорт залида мамлакатимиз спартакчилари терма командаси билан Тошкент терма командаси ўртасида бокс бўйича мусобақа ўтказилади. «Спартак» терма командасида спорт мастери М. Муха (Львов), С. Чатулиди (Тбилиси), М. Григорян (Боку), С. Кико (Краснодар), В. Дегтярев (Львов), В. Антиповский (Москва области), В. Соловей (Омск) ва бошқа ўртоқлар бор.

Чарм қўлқоп мастерлари мусобақасида спорт мастери Т. Ғуломов, биринчи разрядли К. Умаров, спорт мастерлари В. Агоронов, И. Будман, биринчи разрядлилар Кресников, Гранаткин, Афанасьев ва бошқалар Тошкент спорт шарафи учун курашадилар.

Мамлакат терма командаси билан Тошкент боксчилари командаси ўртасида бўладиган бу мусобақа спортнинг мазкур тури бўйича маҳоратни оширишга ва қардош республикалар спортчилари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Телевизор экранида

12 ДЕКАБРДА

19.00. Кичик ёшдаги ўқувчилар учун рус тилида «Звездочка» телевизион журнали.

19.20. Сўнгги ахборот.

19.40. Қисқа метражли фильмлар — «Гламадор ороли», «Уй аптечкаси», «Рашк».

21.20. Узбек куйларидан концерт.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкент шаҳри ва областимизда ҳаво булутланиб қор ёғди. Кундуз соат 3 да Тошкент шаҳрида 2, областда эса 1 — 3 даража совуқ бўлди.

Бугун Тошкент области ва Тошкент шаҳрида ҳавонинг булутли бўлиши, қорнинг тиниши кутилади. О даража атрофида совуқ бўлади.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша залларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да кечқурун. 13/XII да кундуз ва кечқурун **Оқпадар.** 13/XII даги кундузги спектаклга билетлар сотилган).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 12/XII да **СССР давлат халқ рақс ансамблининг гастроли.** Бадиий раҳбари — СССР халқ артисти **Игорь Моисеев,** 13/XII да кундуз **Доктор Айболит** («Оққуш қўли» спектакли ўрнига. Шу спектаклга сотиб олинган билетлар 20/XII га ярайди). 13/XII да кечқурун **Евгений Онегин.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да **Равшан ва Зулхумор,** 13/XII да кундуз **Оқ нилуфар,** кечқурун **Фарғона ҳиколси.**

«ВАТАН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Насриддин Ҳўжанда.**

НАВОИЙ номли — кундуз ва кечқуруни янги бадиий фильм **Кши фикрини ўзгартирди.**

«ИСКРА» — 1 ва 2- залда кундуз соат 4-20 минутгача **Сизга ёзаман...,** 3- залда кундуз 3-20 минутгача ва кеч 5 дан ҳамма залда **Шу дунёнинг зўравонлари.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Жажжи.**

КОММУНА УЙИ — кундуз ва кечқурун **Бугун сўнгги марта.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Тошкентда биринчи марта **энг йирик совет аттракциони**

«Айиқлар цирки»

Айиқларни ўргатувчи — Халқаро цирк санъати фестивали лауреати, РСФСР халқ артисти

ВАЛЕНТИН ФИЛАТОВ.

12/XII да **икки марта тамоша кўрсатилади,** (кундуз соат 4 ва кеч 8 да). 13/XII да **тўрт марта тамоша** (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 1, 4 ва кеч 8 да).

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

СПЕКТАКЛЛАРНИНГ

репертуар плани

1/I да — **Доктор Айболит.**
2/I да — **Севилья сартароши.**
3/I да — **Дилором.**
4/I да — **Богема.**
5/I да — **Евгений Онегин.**
6/I да — **Оққуш қўли.**
7/I да — **Орзу.**
8/I да — **Доктор Айболит.**
9/I да — **Жизель.**
10/I да — **Маскарад.**
11/I да — **Доктор Айболит.**
12/I да — **Майсаранинг иши.**

Спектакллар кундуз соат 12 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда. Коллектив ва якка заявкалар қабул қилинади.

Ниқоб йиртилди

Фрибгарлар қўлга тушгач, уларнинг ҳақиқий фамилиялари аниқланди: Борисов — Погорелов Борис Афанасьевич, Семенов-Зинкевич Семен Семенович, Степанов — Марков Степан Иванович. Кўриниб турибдики, уларнинг сохта фамилиялари ҳақиқий отларидан ясалган эди. Аммо фрибгарларнинг бошлиғи ўз фамилиясини бошқа — Золотов деб атаган эди. Унинг ҳақиқий исм, фамилияси Варганян Виктор Александрович экан.

Майор Содиқов бўлимда Турбин ва Шаповалов билан суҳбатлашиб ўтирар эди, бирдан шундай буйруқни берди:

— Шаповалов! Жиноятчиларни олиб киринг.

Бу буйруқ капитан ва старший лейтенантни бироз ҳайратга солди. Илгарилари майор жиноятчилар билан якка-якка тергов қиларди. Аммо бирданига тўртта фрибгар билан гаплашиш қандай бўларкин? Улар бир-бирини қувватлаб, сувдан қуруқ чиқишга уринмасмиканлар? Шундай мулоҳазага борган бўлсалар ҳам Шаповалов ва Турбин Содиқовга эътироз билдиришмади.

. . . Жиноятчилар хонага кириб келишди. Уларнинг ҳеч қайсисининг юзида ўзгариш кўринмас, худди таниш кишилар ҳузурига келгандек ўзларини бамайлихотир тутишарди. Фрибгарларнинг бошлиғи Варганян кўзлари ичига ботган, қотмадан келган киши эди. Зинкевич, Погорелов ва Марковлар кийимлари, ўзларини тутишлари билан бошлиқдан ажралиб турардилар. Улар ўртасида қандайдир бир-бирига ўхшашлик бор эди. Бироқ Погорелов негадир бошқачароқ кўринди. Ундаги киши зўрга сезадиган безовталик Погореловнинг Варганян бошлаган ботқоққа ғунчалар чуқур ботмаганини кўрсатиб турарди.

Содиқов Погореловни диққат билан кузатар экан, унга мулойимлик билан мурожаат қилди:

— Борис Афанасьевич, мен сизни танийман. Собиқ милиция ходими бўлгансиз. Сиз ҳам илгарилари жиноятчиларга қарши курашгансиз. Қандай қилиб сиз бу қаллоблларга аралашиб қолдингиз? Оладиган пенсия пулингиз тузуккина-ку! Наҳотки энди алдамчилик қилиш учун формани кийган бўлсангиз. Менинг ишончим комил, виждон сизни бутунлай тарк этмаган. Бизга Варганян шайкаларини фош қилишга ёрдам беринг.

— Бу ҳақорат, бўҳтон! — деди ўрнидан сакраб турган Варганян.

— Ўтиринг, — деди Содиқов овозини баландлатиб.

— Борис! — яна ўрнидан туриб кетди Варганян.

— Овозингни ўчир, — деди бирдан Погорелов бошини мағрур кўтариб. — Ҳаммасини айтаман, ортиқ чидаб туролмайман. Кўзларингни ола-кула қилма, қўрқмайман!

Орадан бир неча минут ўтгач, Варганян, Марков ва Зинкевични хонадан олиб чиқиб кетдилар. Погорелов бўлса, бўлимнинг старший оператив вакили Шаповаловга ҳамма воқеани ипидан-игнасигача айтиб берди. . .

Бундан бир неча йил илгари йирик бир базанинг хизматчилари Данилов ва Саркисян 180 тахта тунука ўғирлаганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлар. Лекин бир қанча сабабларга кўра улар устидан қўзғатилган жиноий иш тўхтатилган. Бундан хабардор бўлган Варганян Погорелов ва Зинкевичларни ишга солиб, Гофманга ишлатилган ҳийла-найранглар йўли билан Данилов ва Саркисяндан катта сумма олганлар. Худди шу йўл билан йирик бир корхонанинг сироплар тайёрлаш цехи мастери Гейшин деган шахсдан ҳам фрибгарлар ОБХСС ва милиция ходимлари ниқоби остида 80 минг сўмни ундириб олганлар.

— Хўп, яна нималарни биласиз? — сўради Шаповалов.

— Яна бирор нарса эсимга тушиб қолса айтарман, — Погорелов қорғинлик билан кўзларини юмди. — Иложи бўлса эртага гаплашсак. Жуда бошим оғрияпти.

— Майли... Мана бу қоғозга қўл қўйингда, сўнг дам олинг.

. . . Шаповалов олдин Даниловни тергов қилди. Данилов Варганян кишиларнинг тазъйиқи остида содир бўлган жиноят учун совет қонунлари олдида жавоб беришини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у Шаповаловга тўғри жавоб бермади.

— Мен сиз бўлсам ёлғон гапирмас эдим. Ахир тушуняпсизми, сиз жиноятчиларни ҳимоя қиляпсиз.

— Мен бор гапни айтяпман, ёлғони йўқ, — деди Данилов. Шунда Шаповалов Варганяннинг фотосуратини олиб, Данилов олдига суриб қўйди.

— Таниясизми?

Данилов совуққонлик билан суратни кўрди-да:

— Пўқ, — деб жавоб берди.

— Менга қаранг, — деди Шаповалов дўстона оҳангда, — нега бундай қиляпсиз? Ахир уларга пул берганингизни биламиз. Гувоҳларимиз ҳам бор.

— Ким? — деди Данилов сесканиб.

Шаповалов иккинчи фотосуратни стол устига қўйди.

— Саркисянми?!.

— Худди ўзи.

— Бу қанақасига гувоҳ бўлади. Унинг ўзи. . Данилов тутилиб қолди.

— Нега тўхтаб қолдингиз, гапираверинг.

— Гапим йўқ.

Шунда Шаповалов эшикни очиб, коридорда қўлини орқасига қилиб уёқ-буёққа юриб турган Саркисянни чақирди. Уни кўриб Даниловнинг қисиқ кўзлари косасидан чиқиб кета ёзди. Ортиқча ўжарликнинг фойдаси йўқлигини энди сезган Данилов бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берди.

СУНГГИ ТЕРГОВ

Бирин-кетин фрибгарлар ҳам, уларнинг тузоғига илинганлар ҳам ўз жиноятларига иқрор бўлишди. Аммо Варганян терговчиларни кўп овора қилди. Жиноятини тан олмай ҳамма нарсани инкор қилаверди. Мана уни сўнгги тергова олиб киришди. У Турбин ўтирган стулдан икки метрча нарида. Турбин яна саволларни қайтара бошлади.

— Айбингизни тан оласизми?

— Нима айб қилибман?

— Фрибгарлик.

— Аллақачон жавоб берганман-ку.

— Ҳаммасини инкор қиляпсиз.

— Келинг бу ҳақда охирроқда гаплашайлик.

— Яхши... Гофманни танийсизми?

— Учрашганман.

— Қаерда?

— Шу ерда.

— Шаҳардами?

— Қаерда деб тушунсангиз тушунаверинг.

— У сизга пул берганми?

— Бу гапни ҳам кейинроқ гаплашсак.

— Яхши... Данилов ва Саркисян билан қачон учрашгансиз?

— Сизнинг кабинетингизда учрашган кексаларни айтяпсизми?

Варганян жавоб бериш ўрнига асабийлашиб сўкинди. Жиноятчининг бу ҳолати Турбинни қувонтирди. Бу Варганяннинг тоқати тугаганлигини кўрсатарди. Терговчи яна ҳужумни кучайтирди. У бир бошдан яна ўша саволларни бирин-кетин бера бошлади. Савол берар экан, Турбин Варганяннинг уйини иккинчи марта тинтув қилинганда топилган пул ва облигациялар солинган банкани стол устига олиб газетани пана қилиб қўйди.

Бирхил саволлар жонига теккан Варганян охири:

— Мендан нима истайсиз? Мен ҳеч нарса билмайман ва билишни истамайман. Кўп қатори кун кечираётган одамман. Ҳеч кимни ўлдирган ёки талаган эмасман. Уйимни тинтув қилиб ҳам ҳеч нарса тополмадингилар-ку!

— Уйингиздан мана буларни топдик... — деди Турбин хотиржамлик билан Варганяннинг сўзини охиригача эшитиб бўлгач. Сўнгра у газетани олиб, банкани олдинроққа суриб қўйди. — Таниясизми?

— Пўқ!.. А-а-а! — Варганян даҳшатли туш кўриб уйқудан уйғониб кетган кишидек бақириб юборди. — Тоцилларингми?! Ҳаммасини-я... Энди таслим бўлади деб ўйлаяпсанми. Пўқ! Бу менинг пулларим!.. Пешонадан теридан топганман.

— Ойлигингиз қанча? — деди Турбин ўрнидан туриб, қўлини банканинг устига қўяр экан.

— Қанчалигининг аҳамияти йўқ. Емай-ичмай йиққанман... Ҳафталаб қозон қайнатмай, нон чайнаганмиз. Ишонмасангиз қўни-қўшнилардан сўранг... Варганян иккала қўли билан қўйлагининг ёқаларини пора-пора қилди.

— Қўни-қўшнилар гувоҳлик беришди. Уларнинг нима деганларини билмоқчимисиз?

— Керакмас, — деди Варганян тўсатдан бўшашиб, — менга қоғоз билан ручка беринг... Пўқ-йўқ, керакмас!.. Ёзолмайман... Сиз... ўзингиз... ўзингиз ёзақолинг!..

М. ГРЕБЕНЮК,
милиция лейтенанти.

(Бошқа газетамизнинг 4, 8 ва 9 декабрь сонларида).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048. 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 10411. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1011.